RESPUBLIKA MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

**МЕҲНАТ, ТАДБИРКОРЛИК ҲАМИША ЖАМИЯТНИ, ИНСОННИ КЎКЛАРГА КЎТАРИБ КЕЛГАН, АММО МИНГ АФСУСКИ, БАЪЗИ-БАЪЗИДА УНИ ЕРГА УРАДИГАН ОДАМЛАР ҲАМ УЧРАБ ТУРАДИ.**

Уллис ГРАНТ (АҚШ)

*Қонун - ҳам қилич, ҳам қалқондир!*

# ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ–ОММАБОП ҲАФТАЛИК ГАЗЕТАСИ

1996 йил 30 январдан чиқа бошлаган | 2000 ЙИЛ 4 АПРЕЛ, СЕШАНБА | № 14 (166) | Сотувда эркин нархда

БУГУНГИ СОНДА:

ЛИЦЕЙ – ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР МАСКАНИ

Соғлом авлод орзуси






*Соҳибқирон таваллуд куни олдидан*

# "АДОЛАТ ЭШИГИНИ ОЧДИМ"

Мустақилликка эришиш учун ҳаракат қилаётган Чиғатой улусини Мўғулистон хони Туғлуқ Темурхон қайта босиб олишга интилаётган бир даврда Барлос бекзодаси амир Тўрағай Баҳодирнинг ўғли Амир Темур (1336-1405 й.й) тарих майдонига келади.

Унинг шахси давлат тузуми ҳамда саркардалик фаолиятига яқин вақтларгача, аниқроғи, мустақиллигимизга қадар бир томонлама, салбий ёндошиб келинди. Унга раҳмсиз, жоҳил, золим, Чингизхондан кам бўлмаган ўрта аср ҳукмдори, деб таъриф берилди.

Ваҳоланки, Амир Темур асос солган кучли, қудратли, марказлашган давлат устунларидан бири ва асосийси адолат эканлигини унинг «Тузуклар»ида кўрамиз: «Барча сўзларимда доимо ҳақиқатгўйиликка амал қилдим; бу дунё ва у дунё ҳақида эшитганларимдаги ҳақиқатни ёлғондан ажрата билдим. Мен ҳар кимгаки ваъда берсам, унга вафо қилдим; ҳаргиз ваъдага хилоф иш қилмадим. Мен доимо ваъдаларимни аниқ бажарсам, шундагина одил бўлишимни ва кимсага жабр етказмаслигимни англадим...

Мен ёлғон сўйловчиларни тинглашдан бош тортдим. Яна эшитганманки, агар парвардигор бирор кимсани улуғлаган бўлиб, бу одам барча қилмишларида ҳаққоният ва адолат билан иш тутиб, ўз фуқаросига раҳм-шафқатли бўлса, унинг қудрати янада ортади. Мабодо у адолатсизлик ва шафқатсизлик йўлига оғадиган бўлса, унинг қудрати ҳам тезда синади.

Ана шуларга кўра, ўз қудратимни сақлаш учун мен бир қўлимда адолат ва иккинчи қўлимда беғаразлик шамини тутиб, умрбўйи ўз йўлимни ёритиб бордим. Барча қилмишларимда ана шундай адолат қоидаларига риоя қилдим» деб ёзади соҳибқирон.

Амир Темурнинг ёшлигидан иззат-нафсли, адолатпарвар ва ҳақиқатгўй бўлганлиги унинг келажакдаги буюклигидан далолат эди. Темур ўз таржимаи ҳолида: «Мен 10 ёшимда ўзимда фавқулодда ҳукмронлик ва улуғлик аломатларини ҳис қилдим. Олдимга келувчи ҳар бир кишини сезиларли даражада ғурур ва лаёқат билан қабул қилдим. 18 ёшимда ўзимнинг суворийлик ва овчилик ҳунарим ҳақида кўп ўйладим. Умримни Қуръон ўқиш, шантранж ўйнаш ва от миниш машқларига сарф этдим», дейди.

У мамлакатда бошқариш ишларини ўз қўлига олганида, бу мамлакат жуда ҳолдан тойган эди, аммо шунга қарамасдан, Амир Темур бундай вазиятдан чўчимади, аввало, қонун ва тартиб ишларини жорий этди, ўзидан олдинги, жумладан, Чингизхон низомларининг мақбул тарафларини ҳурмат қилди. Оддийроқ айтганда, «янгисини қурмасдан, эскисини бузмади».

Тўғри, юз йилга яқин бошбошдоқлик ҳукм сурган мамлакатда қонунни жорий қилиш осон иш эмасди. Айни пайтда аста-секин қонунларни жорий этиш билан банд бўлса-да, мамлакат чегараларини кенгайтиришга ҳам катта аҳамият берди.

Амир Темур асос солган давлат-давлат ва ҳуқуқ тарихида алоҳида даврни ташкил қилиб, бу давр мутлақо якка ҳокимлик шаклидаги улкан империя-ҳоқонлик давлати эди. Бундай давлатни мустаҳкам қонунчилик, суд, назорат ташкилотлари ҳамда мустаҳкам ҳуқуқ тизимисиз муваффақиятли бошқариб бўлмасди.

«Тўра ва тузукка таяниб, салтанатда ўз мартаба ва мақомимни мустаҳкам сақлаб турдим, - деб уқтиради Темурбек ўз авлодларига. - Тажрибамдан кўриб билдимки, давлат агар дини ойин асосида қурилмас экан, тўра тузукка боғланмас экан, - ундай салтанатнинг шукуҳи-қудрати тартиби йўқолади, бундай давлат ҳар хил, «қаланғи-қасанғи» одамлар бемалол кириб чиқадиган, шифтсиз, усти очиқ, эшиги йўқ уйга ўхшайди. Шунинг учун ҳам мен, ўз салтанатимни дини ислом, тўра ва тузук асосида қурдим».

Темур давлати ислом давлати бўлиб, унда табиийки, ҳуқуқнинг асосий манбаи мусулмон ҳуқуқи бўлган. Бундан ташқари турк-чиғатойларнинг одат ҳуқуқлари, жиноят ва жазо масалаларида эса қисман «Ясо» (Йосо) қонунларига ҳам таянилган. Булар Ўзбекистон давлати ҳуқуқчилиги тарихида шу билан характерлики, у бизгача етиб келган ягона дунёвий ҳуқуқ манбаи - «Темур тузуклари»ни берди. Бу ҳужжатни ҳақли равишда ўз даврининг Конституцияси ёки ҳарбий-маъмурий кодекси, сиёсий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳужжат деб баҳолашимиз мумкин.

(Давоми 3-бетда)

*Долзарб мавзу*

# ТАДБИРКОРЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯЛАШ АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ

**Абдусамат ПОЛВОН-ЗОДА,**
**Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазири**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг охирги сессияси ва Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида Президентимиз томонидан иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, эришилган ютуқлар ва ижобий кўрсаткичлар таҳлил қилиб берилди. Шу билан бирга, оқсаётган жабҳа ва соҳалар, ечимталаб муаммолар ҳақида одилона танқидий фикр билдирилди. Ҳақиқатдан ҳам, иқтисодий ислоҳотлар учун мўлжалланган устувор дастурларнинг барчаси ҳам муваффақиятли ҳал этилмаётганлиги, муаммолар, нуқсонлар ҳали мавжуд эканлиги қайд этилар экан, жумладан, тадбиркорларни назорат қилувчи органларнинг ғайриқонуний текширувидан ҳимоя қилиш асосий ва ўта муҳим масала эканлигига эътибор қаратилди. Қўйилган вазифалар ва давр талабларидан келиб чиққан ҳолда Адлия вазирлигида ҳам бир қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва ижрога киритилди.

Мамлакатимиз Президенти ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар раҳбарларини шахсий жавобгарлиги тўғрисида қатъий огоҳлантирди, тадбиркорларнинг фаолиятига ноқонуний аралашувга охир-оқибат чек қўйишни талаб қилди. Мазкур салбий ҳолатларга Президент кескин баҳо бериб, уларни "маъмурий рэкет" деб таърифлади.

Биз вазиятни ҳаққоний баҳолашимиз, ҳар бир нарсани ўз номи билан аташимиз ва тадбиркорлар фаолиятига турфа аралашувлар тадбиркорликни ривожлантиришга асосий хавф, жамият ривожига, иқтисодий ислоҳотларга тўсиқ бўлаётганлигини айтишимиз керак.

Воқиф бўлганимиздек, амалда тадбиркорлар фаолияти устидан минглаб ноқонуний текширувлар ўтказилмоқда. Улар баъзан ишлаб чиқариш тўхтаб қолишига, одамларнинг қўлини ишдан совутишга, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истакларини сўндиришгача олиб келмоқда. Тадбиркорларни кўплаб ноқонуний жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортиш фактлари учрамоқда. Фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожланиши учун айрим бюрократик тўсиқлар олиб ташланган эмас. Тадбиркорларни давлат рўйхатига олишда сунъий муаммолар вужудга келмоқда. Хўжалик шартномаларини тузиш масалаларида кўплаб расмиятчилик ва кўзбўямачилик ҳоллари мавжуд.

Кичик ва хусусий тадбиркорликка кредит беришни рағбатлантириш борасида қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинишига қарамасдан, республика банк тизими тадбиркорликни ривожлантириш учун ҳозирча ҳамма имкониятларни ишга солмаяпти. Айрим амалдорлар чет эл сармояси кириб келишида тўсиқлар яратмоқда. Кўпчилик тадбиркорлар ҳеч кимга керак бўлмаган кўплаб қоғоз ва ҳисоботларни тузиш учун ўз ишини ва қимматли вақтини беҳуда сарф қилмоқда. Бундан кўриниб турибдики, аҳвол жуда жиддий, бир сўз билан айтганда, амалда тадбиркорлар "бўғилмоқда". Ахир кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг сони ўсиш ўрнига қисқараётганлиги тасодиф эмас.

Давлатимиз раҳбари қатъий равишда аҳволни ўзгартиришни ва тадбиркорликка эркинлик беришни талаб қилди. Бу Адлия вазирлиги ва унинг қуйи тизимларининг асосий ва марказий вазифаси бўлиб, уларга ушбу вазифани бажариш учун етарли кўрсатмалар берилиб, зудлик билан ишга киришиш топширилди. Тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш учун Адлия вазирлигига тўла жавобгарлик юкланди ва Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 17 февралдаги 57-сонли қарорига асосан унга қўшимча ваколатлар берилди. Уларнинг асосий мақсад йўналиши - мулкдорлар фаолиятини ғайриқонуний аралашувлардан муҳофаза қилишдир. Булар вазирлигимиз учун мутлақо янги ваколатдир. Шу боис Адлия вазирлиги ва унинг қуйи бўғинлари маъсулият ва ўта жиддийлик билан ўз фаолиятини қайта қуриши ҳамда бутун куч-ғайратлари Президент ва ҳукумат қўйган вазифани бажаришга йўналтиришлари керак.

Юқоридаги қарорга мувофиқ Адлия вазирлиги таркибида янги - Кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бўйича бошқарма тўғрисидаги Низом ҳамда вилоят адлия бошқармаларининг Кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бўйича бўлимлари тўғрисидаги Намунавий низомлар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Ҳозирги биринчи масала - ушбу янги тузилмаларга жуда малакали ва моҳир мутахассисларни, маънан пок шахсларни танлаб олаяпмиз. Ушбу масала бўйича жавобгарлик шахсан адлия бошқармалари бошлиқларига юклатилди, чунки бу вазифани қанчалик моҳирона бажариш соҳага қандай ходимларни танлаб олишимиз билан боғлиқ. Адлия идоралари жойларда тадбиркорларнинг асосий ҳимоячиси бўлиб, улар фаолиятига асоссиз аралашишни тўхтатиш, умумий текширувлар сонини кескин камайтиришга эришишлари шарт. Мамлакат раҳбари мана неча йилки, қонунсиз текширувларни тўхтатишни талаб қилмоқда, аммо аҳволда кескин ўзгариш сезилмаяпти. Рухсатсиз текширувларни эса кўчадан келган кимдир ёки тасодифий хусусий шахслар эмас, балки, давлат идораларида хизмат қиладиганлар ўтказмоқда. Тушунтириш ва тарғибот ишларидан, тадбиркор ҳуқуқлари бузилиши бўйича бирон-бир фактни жазосиз қолдирмай, аниқ ҳаракатларни амалга оширишга ўтиш вақти келди. Фақат шундагина Президент томонидан қўйилган муҳим вазифани адо этоламиз. Бунинг учун бизда барча зарур ваколатлар мавжуд. Улардан тўғри фойдаланиб, жамиятда хусусий мулкчиликка нисбатан ҳурмат ва унинг даҳлсизлигини таъминлайдиган муҳит яратишимиз шарт.

Хусусий мулкка бўлган ҳуқуқ, Конституциямизга кўра ҳам шахснинг мутлақ ҳуқуқи ҳисобланади. Унинг даҳлсизлиги ва давлат муҳофазасида эканлиги эътироф этилган. Бу эса фақат мулк эгасигина ўз мулкининг ягона хўжайини эканлигини билдиради. Шунинг учун ҳам, хусусий мулк соҳасига ҳар бир асоссиз равишда аралашишни ашаддий қонунбузарлик деб ҳисоблаш лозим. Айтинг-чи, бундай шахслар ҳаракатини ўзганинг хонадонига кирган ўғридан нима фарқи бор? Қаердаги бирон тадбиркор ташаббус билан иш бошласа, тадбиркор салгина маблағ тўпласа, унинг атрофида текширувчилар айланишаверади. Қизиғи шундаки, иши юришмаётган, қарзга ботиб қолган, синиш арафасида турган мулкдор, корхона ёки тадбиркор назоратчини кўпам қизиқтирмайди. "Гуллаётган" корхона атрофида қайта-қайта ўралашишади. Юқоридагидек ҳаракатлар нафақат бизнинг Республикамизга хос муаммо, балки бошқа мамлакат ва давлатларда ҳам мавжуд. Хусусан, Россия Федерациясининг Жиноят кодексида мансабдор шахснинг тадбиркорлар фаолиятини эркин амалга оширишига аралашганлик, тўсиқ бўлганлик, ноқонуний текширувлар ўтказганлик, рўйхатга олиш, лицензия, кредит бериш ва бошқа ишларда асоссиз тўсқинлик қилганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган алоҳида модда бор. Бинобарин бизнинг жиноят қонунчилигимизга ҳам ана шундай қўшимча киритишга эхтиёж сезилмоқда.

Адлия вазирлиги жиноят қонунчилигига қонуний тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилганлик учун жиноий жавобгарликни кўзда тутувчи ўзгартиришлар киритиш тўғрисида тегишли доираларга таклиф киритди. Шубҳасиз, жиноий жазога тортилиш хавфи маълум даражада тадбиркорлар эркинлигини ҳимоя қилади. Яна шуни алоҳида қайд этиш жоизки, бугун республикамизда назорат қилувчи органлар сони беҳад кўпайиб кетган. Тадбиркорлар фаолиятини текширувчи мансабдор шахсларнинг сони ундан-да кўп. Президентимиз бир неча бор, қанча текширувчи кўп бўлса, ишлар шунча сусайиб бораётганлигини таъкидладилар. Биз амалиётда ушбу сўзларнинг ҳақ эканлигига амин бўлмоқдамиз. Ҳукумат топшириғига кўра Адлия вазирлиги назорат қилувчи органлар ваколатларини чуқур таҳлил қилиб, уларнинг тадбиркорларга нисбатан ваколати нақадар зарурлигини ўрганмоқда. Натижаси бўйича қатъий қонун доирасида амалга оширилувчи текширувлар сонини маълум даражада қисқартириш бўйича таклифлар киритилади. Тадбиркорлик субъектларини лицензиялаш ва уларни рўйхатга олиш соҳасида ҳам мавжуд қонунчиликни такомиллаштириш борасида ўйлаб кўришимиз керак. Чунки бугунги шароитда тадбиркорликни, корхоналарни, хўжалик юритувчи субъектларни давлат рўйхатидан ўтказиш механизмида ягона субъект ва яхлит тартиби ўрнатилиши лозим. Бирини ҳокимликларда, иккинчисини қайсидир вазирликда, учинчисини тадбиркорлар палатасида, тўртинчисини бошқа жойда рўйхатга олиш ишга ҳалақит бермаяптимикан? Қолаверса, Фуқаролик кодексининг 44-моддаси буни талаб қилиб турибди. Шу ернинг ўзида барча рўйхатга ва ҳисобга олувчи идораларда бир йўла рўйхатга олиш тартибини назарда тутиш керак. Бизнингча, бу ўз-ўзидан хўжалик юритувчи субъектнинг турли давлат идораларида ҳисобга қўйилишида, ҳисоб-китоб рақамларини очишда, уни бир жойда яъни давлат рўйхатига олиш пайтида амалга ошириш шароитини яратади. Корхонани лицензиялаш бўйича ҳам ягона талаблар мавжуд эмас. Алоҳида фаолият турларини лицензиялашнинг ягона ҳуқуқий асослари ва тамойилларини қонун даражасига кўтариш ҳамда лицензия бекор қилиниши керак. Акс ҳолда, амалдаги тажриба лицензия берувчи идоралар учун қонуний асослар мавжуд бўлмаган ҳолларда ҳам тадбиркорни лицензиясидан маҳрум қилиш учун имконият яратмоқда. Бу эса уларнинг ҳуқуқи поймол этилишига олиб келади.

Ушбу масалалар бўйича ҳам вазирлик ҳукуматга тегишли таклифларини киритди. Адлия вазирлигида ташкил этилган янги бошқарма ва унинг вилоят адлия бошқармаларидаги тегишли бўлимлари текширувларни нақадар асосли тайинланаётганлигини доимий равишда таҳлил қилиб бориши, текширувнинг услуб ва усуллари қонунийлигини ўрганиши ва кўрилаётган чораларнинг асосли бўлишини назорат қилиб бориши йўлга қўйилмоқда. Масалан, текширувчи унчалик катта аҳамият касб этмайдиган камчилик учун корхонани ёпиб, муҳрлаб қўйишини қонунни қўпол равишда бузиш деб ҳисоблаш лозим. Адлия ташкилотлари бундай қонун бузилиши ҳаракатларини зудлик билан тўхтатиб, айбдорларни жавобгарликка тортишни пайсалга солмаслиги керак. Энг муҳими, адлия бошқармалари ходимлари тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ишлар қай аҳволдалигини чуқур билиши ва вазиятни ўз қўлларида ушлашлари лозим. Ишни шундай ташкил қилиш кераккӣ, қачон ва кимлар томонидан текширувлар амалга ошириляпти ва улар нақадар қонуний асосга эгалигини билиш зарур. Тадбиркорларни ноқонуний жавобгарликка тортилиши бўйича вилоят адлия бошқармалари бошлиқлари ва вилоят судлари раислари шахсан жавоб берадилар.

Адлия бошқармалари ўз ҳудудларига қарашли корхоналар қанчалик асосли тугатилмоқда, қанча тадбиркорлар маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилмоқда ва бошқалар тўғрисида аниқ маълумотларга эга бўлишлари талаб этилади. Тадбиркорларга доимий равишда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш зарур.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар учун Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрдаги "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги Қонунга асосан хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини текширишга фақат жиноий иш қўзғатилгандагина ижозат берилади.

Адлия вазирлигида яна бир масала муҳокамаси устида қизғин иш бормоқда. Сўз аудиторлик фаолияти тўғрисида кетмоқда. Айтайлик, мулкчилик шаклидан қатъий назар аниқ корхоналардаги ҳисоб-китоб, молиявий фаолият, солиқ билан боғлиқ масалаларни малакали ва аниқ аудиторлик хулосаси билан боғлаб олиб бориш йўлга қўйилса, уларни турли назоратчи идора ва ташкилотлар текширувига ҳожат қоладими? Бунда албатта бюджетга солиқ тушумлари ҳажмига салбий таъсир бўлмаслигига эътибор қаратмоқ керак. Шу боисдан масалани ўрганиш, таҳлил қилиш, "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги қонунни мақбулроқ қоидалар билан тўлдириш, ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш борасида ҳам пухта ўйлаб кўрмоқ лозим.

Навбатдаги муҳим масала, бу - Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси фаолиятига тегишли. Шу ўринда ҳаққоний савол туғилиши табиий. Кундалик вазифаси, қолаверса, нони тадбиркорлар билан боғлиқ бўлган бу идора уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаяптими? Тадбиркорнинг бузилган ва путур етказилаётган манфаатларини қўриқлашда уларнинг нақадар ҳиссаси, ўрни, ташаббуси бор? Аслида улар енг шимариб ҳимояга кириши, тадбиркор билан ёнма-ён туриб, асоссиз аралашув ва тазйиқларга қарши курашиши лозим. Ахир, қонунларимизда уларга етарли ваколат бериб қўйилган-ку! Масалан, амалдаги қонунчиликка биноан, тадбиркор суд орқали хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашув натижасида унга етказилган зарарни мансабдор шахсдан ундириш ҳуқуқига эга. Бунга ишлаб чиқариш тўхтаб қолганлиги натижасида етказилган зарар, бой берилган фойда, шунингдек, маънавий зарар ҳам кириши мумкин. Кўриб турибсизки, ундириладиган сумма тадбиркорлик ривожига анча ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Қолаверса, шунга ўхшаш суд жараёнлари оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, телевидение орқали аҳолига батафсил етказилса бошқаларга сабоқ бўлиб хизмат қилади. Хуллас, бу масалани диққат марказидан қочирмаслигимиз керак. Палата билан ҳамкорлик қилиш, уларга ҳар томонлама ёрдам бериш вазифаси Адлия вазирлигининг барча тизимларига юклатилди.

Ҳозир Адлия вазирлигида ноқонуний текширишларга алоқадор катта миқдордаги ҳужжатлар ўрганилаяпти. Вазирлар Маҳкамасининг тегишли мажлисидан кейинги бир ой ичида вазирлик ходимлари томонидан 50 дан ортиқ тадбиркордан келиб тушган шикоятлар бўйича жойларга чиқиб текшириш ўтказилди. Мазкур аризаларнинг аксарияти асосли эканлиги бу борада жуда жиддий ишлаш лозимлигини кўрсатади. Баъзи вилоятларда турли тадбирлар ўтказиш учун ҳар хил ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги корхоналардан ноқонуний равишда маблағ чегирилиб қолинганлиги хусусида маълумотлар бор. Тошкент вилояти, Тошкент туманида 25 та корхонадан 2 млн. сўм олиб қўйилган. Зангиота тумани бўйича 142 та корхонадан 14 млн. 400 минг сўм ноқонуний чегирилиб қолинган. Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз туманида бу сумма 39 та корхонадан 390 минг сўмни, Қарши шаҳри бўйича 7 та корхонадан 12 млн. сўмни, Учқўрғон туманида 38 та корхона ва ташкилотдан 5 млн. 620 минг сўмни ташкил қилади. Бугунга қадар асосан суммалар ундириб беришда қолгани бўйича ундириш ишлари олиб борилмоқда.

Бундай қўпол қонунбузилиш ҳолларига қатъий чек қўйиш лозим. Тадбиркорнинг ҳар бир сўми ҳисобда, бу - унинг ишлаб топган пули. Қандай мақсадга бўлишидан қатъий назар, маблағни эгасининг розилигисиз олиш - жиноят. Ахир, тадбиркор эркин шахс-ку! Афсуски, кўплаб амалдорлар ўзини тадбиркорларнинг эгаси ҳисоблайди. Туман ва шаҳар ҳокимликларида кичик ва хусусий тадбиркорларни давлат рўйхатига олиш ва рухсатномалар беришда қонунчиликда кўрсатилмаган қўшимча ҳужжат ва материаллар талаб қилинаётибди, шунингдек, рўйхатга олиш қонунчиликда кўрсатилган муддатга хилоф равишда чўзиб юборилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

Шу сонга хабар

# БУЮК АЛЛОМА ҚАДАМЖОЛАРИДА

Марғилон. Буюк аллома, ислом ҳуқуқшунослигининг отаси, нодир истеъдод эгаси Бурҳониддин ал-Марғиноний таваллудининг ҳижрий санаси бўйича 910 йиллигини нишонлашга катта тайргарлик кўрилмоқда. Шаҳарда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирлари ўтказилаяпти. Шаҳар маркази, маданият ва истироҳат боғи, Марғилон темир йўли шоҳбекати ҳудудларида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилаётир. Меҳнат ва ўқув жамоаларида, маҳаллаларда таниқли олимлар, уламолар ва ҳуқуқшунослар билан учрашувлар ташкил этилаётир.

Шаҳар ҳокимлиги Бурҳониддин ал-Марғиноний жамғармасини ташкил этди. Ҳокимлик ва жамғарма ташаббуси билан шу йил 8-15 март кунлари Бурҳониддин ал-Марғиноний ҳаёти ва бой илмий меросини чуқур ўрганиш мақсадида алломa қадамжоларига илмий-тадқиқот экспедицияси ўтказилди. Экспедиция аъзолари Ўзбекистон Мусулмонлари идорасида бўлдилар ва идора кутубхонасида сақланаётган қадимий қўлёзмалар, шунингдек, Бурҳониддин ал-Марғиноний нинг «Ал-Ҳидоя» шоҳ асари кўчирилган қўлёзма билан танишдилар. Тошкент Давлат Шарқшунослик олийгоҳи олимлари билан суҳбатлашдилар. Шунингдек, ҳазрати Аҳмад Яссавий маркази жойлашган Туркистон шаҳрида, Самарқанд ва Бухорода бўлиб, улуғ бобокалонимиз қадамжоларини зиёрат қилдилар. Ўзбекистон Фанлар Академияси Самарқанд бўлими, Археология институти, Самарқанд ва Бухоро Давлат Университетлари олимлари ва таниқли уламолар билан учрашиб, Бурҳониддин ал-Марғиноний ҳаёти ва асарлари ҳақида янги маълумотлар тўпладилар. Исмоил ал-Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари зиёратгоҳларини тавоф этдилар. Олимлар билан ҳамкорликда илмий-амалий анжуманлар ўтказиш, илмий рисолалар тайёрлаш ва чоп этишга киришилди.

**Ўктамжон ЭШОНБОБОЕВ,**
**«Турон шойиси» газетаси муҳаррири,**
**Бурҳониддин ал-Марғиноний Марғилон шаҳар жамғармаси раиси**

(Боши 1-бетда)

# ТАДБИРКОРЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯЛАШ АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ

*Долзарб мавзу*

Масалан, Хонқа туман ҳокимлиги "Мадат" хусусий фирмасини тегишли ҳужжатларни топшириб, ариза берилган кунидан сўнг 6 ой, Тошкент туман ҳокимлиги эса "Азимов Шуҳрат" хусусий кичик корхонасини бир йил ўтгач давлат рўйхатига олган. Наманган вилояти Давлатобод туман ҳокимлигида якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатига олишда қонунда белгиланмаган қўшимча сўровнома, меҳнат дафтарчасидан кўчирма, шахсий варақа ва бошқа бир қатор ҳужжатларни асоссиз талаб қилган. Адлия вазирлигига Янгийўл тумани "Навоий" боғдорчилик-виночилик ширкатидаги 11 та фермер хўжалиги номидан фуқаро Солиев Аминжон 2000 йил 28 январда давлат рўйхатидан ўтиш учун тегишли ҳужжатларни туман ҳокимлигига топширганлиги, ҳокимлик эса рўйхатга олмаётганлиги тўғрисида мурожаат тушди. Факт тасдиқланди. Айни пайтда ҳокимлик шу вақтгача фаолият кўрсатиб келаётган фермер хўжаликлари билан тузилган ер участкасини узоқ муддатга ижарага бериш шартномаларини ҳам давлат рўйхатига олмаган. Вазирлик ходимлари бу мурожаатларни жойига чиқиб ўрганганларида аризада келтирилган ҳолатлар ва фактлар тўла тасдиқланди. "Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида"ги қонун талаблари қўпол равишда бузилиб, фермер хўжаликларини рўйхатга олиш тўғрисидаги аризалар бўйича ҳеч қандай чоралар кўрилмаган, барча аризалар жавобсиз қолдирилган.

Солиқ идораларида кўпинча амалдаги солиқ қонунчилиги нормаларини инкор этиб, янги ташкил бўлаётган кичик ва хусусий корхоналарга даромад солиғи бўйича имтиёз берилганига қарамай, улардан ноқонуний солиқ ундирилиш ҳоллари мавжуд.

Адлия вазирлиги томонидан фақат саралаш йўли билан текширилганда Наманган вилояти Учқўрғон, Косонсой, Давлатобод туманларидаги 9 та ишлаб чиқарувчи корхоналардан умумий суммаси 114 минг 500 сўм солиқ ноқонуний ундирилганлиги аниқланди. Ваҳоланки, улар бундай солиқ тўловидан озод қилинган. Шунингдек, Тошкент вилояти Тошкент ва Қибрай туманларидаги 7 та корхонадан 446 минг 600 сўм; Хоразм вилояти Урганч шаҳар, Шовот ва Хонқа туманларидаги 8 та ишлаб чиқарувчи корхоналардан 517 минг 400 сўм; Қашқадарё вилоят Қарши шаҳар, Косон ва Шаҳрисабз туманларидаги 9 та ишлаб чиқарувчи корхоналардан 1 млн. 834 минг 700 сўм; Сурхондарё вилоят Термиз ва Қизириқ туманида 4 корхонадан 149 минг 800 сўм солиқ ғайриқонуний ундирилган. Тегишли адлия бошқармалари корхоналардан ноқонуний ундирилган бундай маблағларни таъминлади, ишлар давом эттирилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида давлатимиз раҳбари тадбиркорнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича сўзлаганларида, тадбиркорнинг ноқонуний жиноий жавобгарликка тортилиш ҳолатига фавқулодда ҳодиса деб қараш лозимлигини талаб қилдилар. Ҳозир Адлия вазирлиги Олий суд билан ҳамкорликда тадбиркорларнинг жиноий жавобгарликка тортиш амалиётини ўрганиб чиқмоқда. Афсуски, аҳвол қувонарли эмас. Кўплаб тадбиркорларни ноқонуний жиноий жавобгарликка тортилиш ҳолатлари аниқланяпти. Моҳияти бўйича фуқаролик-ҳуқуқий характердаги низо ҳисобланган айрим ишлар жиноий судловга жўнатилган. Асоссиз равишда нон, миллий таомлар билан савдо қилувчилар жиноий жавобгарликка тортилган.

Ўрганишлар кўп ҳолатларда тадбиркорларга нисбатан жиноий жавобгарлик каби жиддий чоралар қўлланилганлигини кўрсатмоқда. Бунга зарурият бормиди?! Огоҳлантириш ишларини олиб боришимиз, қонунни тушунтиришимиз лозим эмасмиди? Ўзини ҳурмат қиладиган тадбиркор одатда қонунни қасддан бузмайди, чунки бу ҳолатда у фақат ютқизади.

Хўжалик жиноятларига нисбатан қўлланиладиган жиноий жавобгарликка тортиш амалиётини ҳам қайта кўриб чиқиш лозим. Олий суд Пленумининг 1999 йил 14 майдаги қарорига мувофиқ жарима санкцияларини, шунингдек етказилган зарарни ундириш амалиётини кенг қўллаш зарур. Шундай фактлар учрамоқдаки, тадбиркорларга баъзан узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланишини Жиноят кодексининг тамойилларига зид келувчи шафқатсизлик деб баҳолашдан ўзга илож йўқ. Бунда тадбиркорликни хавли фаолият деган тасаввур туғдирмаслиги керак.

Жиноят қонунчилигимизнинг баъзи нормаларини ҳам диққат билан ўрганиш талаб қилинади. Фикримизча, тижорат ташкилотларининг раҳбарларини, яъни шу тадбиркорларни ўзини мансабдор шахс тоифасига киритиш кўпам тўғри эмас. Маълумки, жаҳон мамлакатларида мансабдор шахслар сифатида тегишли ҳокимият ваколатига эга бўлган давлат аппарати хизматчилари тушунилади. Бундай ваколатлар тадбиркорларда мавжуд эмаслиги тушунарли, албатта.

Яна бир мисол. Тижорат ташкилотлари ходимларига нисбатан жиноий иш қўзғатиш тартиби хусусида ўйлашиб кўриш керак. Бизнинг фикримизча, Жиноят кодексига тижорат ташкилотларининг раҳбарлари фақат ушбу тижорат ташкилотининг аризаси бўлган тақдирдагина жиноий жавобгарликка тортилиши мумкинлиги тўғрисидаги норма киритилиши лозим кўринади. Фуқароларга ва давлат манфаатига путур етказганлик ҳолати бундан мустасно, албатта.

Ижро интизоми масаласида. Ушбу масаладаги талаб ниҳоятда кучли бўлади, чунки Адлия вазирлигига ўта муҳим ва маъсулиятли мажбуриятлар юклатилган. Вазирликнинг ҳамма тузилмаларида, вилоят адлия бошқармаларида ҳар бир ходимнинг жойини аниқ белгилаш лозим, унинг функционал мажбуриятларини яна бир бор кўриб чиқиш ва ишни шундай ташкил қилиш керакки, ходим нима билан шуғулланиши ва ундан нима талаб қилинишини аниқ билсин.

Ҳар бир раҳбар ўз жамоасида қаттиқ интизом, маъсулият, юқори малака ва қизғин иш муҳитини яратиши шарт.

Ушбу талабларга жавоб берадиган, ўз бурчини ҳалол бажарадиган ходимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш керак.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни ўқитишга бўлган муносабатни тубдан ўзгартиришимиз керак. Бу борада жиддий муаммога дуч келиб турганимизни яширишга ҳожат йўқ. Биз ҳар доим юқори малакали кадрлар танқислигига зарурат сезамиз. Аҳволни ўзгартиришнинг ягона йўли - ҳар доим ўз билимими ошириш, ўз устида тинимсиз изланадиган қобилиятли одамларни танлашдир ва бу борада Тошкент Давлат юридик институт ва республика юристлар малакасини ошириш Марказининг ролини кучайтириш зарур. Албатта, ҳуқуқ фанининг фундаментал изланишлари керак ва зарур. Аммо, бугунги кунда зудлик билан мулкчилик, божхона, солиқ, ер ҳуқуқи, банк қонунчилиги, назорат қилувчи органлар ваколатлари масалалари бўйича, яъни хусусий мулк эгалари ва тадбиркорлар ҳуқуқини ҳимоя қилишга бевосита алоқадор бўлган барча муаммолар бўйича лекция тезисларини тезкорлик билан нашр қилишга киришимиз жуда муҳимдир.

Яна бир масала, бу - судлар фаолиятидаги бошқа баъзи жиддий камчиликлар. Шу пайтгача, бир неча бор айтилганига қарамасдан кўпгина судяларимиз иш бўйича оқлов ҳукми чиқарилиши лозим бўлсада, қатъиятсизлик қилмоқдалар. Ҳар доимгидек, бундай ҳолатларда иш қўшимча терговга юборилмоқда.

Хусусий мулк эгаларига нисбатан очиқчасига зўравонлик масалалари хусусида. Ким мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиши лозим? Суд эмасми? Лекин, доим шундай бўлмаяпти.

1996 йилда Самарқанд вилояти Пастдарғом туманида "Абдуғаппор" хусусий фирмасининг бошлиғи Жумаев 2000 йилгача қайтариш шарти билан имтиёзли кредит олган. 1998 йилда кредит шартномасини ижро қилиш бўйича хўжалик низоси вужудга келган, бу биласизларки, хўжалик суди томонидан кўрилиши керак. 1998-1999 йилларда фирмада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан бир неча маротаба текширувлар ўтказилган ва бунинг натижасида Жумаев талон-тарож қилганлик учун жиноий жавобгарликка тортилган ва озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган. Ваҳоланки, кредитни қайтариш муддати ўтмаган эди-ку.

Яна бир мисол: солиқчилар дўкон сотувчиси Н.Аҳмедованинг касса аппаратида 44 сўм 70 тийин ортиқча сумма борлигини аниқлаб ишни судга чиқарган. Зарафшон судининг ҳукми билан эса Н.Аҳмедовага нисбатан айблов ҳукми чиқарилган. Икки нафар ёш боласи бор бу аёлни на терговда, на судда бировнинг ҳақини уриб қолганлиги аниқланмаган. Ўтган уч ой давомида терговда, судда ўнлаб гувоҳлар сўроқ қилинган, ўтказилган қанча тафтишу-текширувлар, ҳужжатбозликлар, оворагарчиликларнинг ҳисоби йўқ. Буни қандай баҳолаш мумкин?

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ва Адлия вазири вилоят судлари раисларини одил судловнинг аҳволи бўйича қаттиқ огоҳлантирди. Уларнинг тадбиркорларни ва хусусий мулкчиликни ҳимоя қилишдаги ролини сезиларли даражада кўтариш керак.

Шу ерда яна бир муҳим масала мавжуд. Маълумки, адвокатлар ҳуқуқини, ваколат доирасини янги пағонага кўтариш масаласида тегишли қонунлар қабул қилинди, янги тартиб-қоидалар вужудга келтириляпди. Бу талабларни асосан адвокатларнинг ўзлари кўтариб чиқишган, улар яхши билишади. Лекин, юқоридагидек қонунбузарликлар, мулкдорлар ҳуқуқи, хусусий тадбиркорлар, корхоналарнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатлари бузилиши фактларига дуч келиб турилган ҳолда, улар томошабин бўлиб туришибди. Шу боисдан ҳам, Адлия вазирлигида бўлиб ўтган кенгайтирилган ҳайъат мажлисига уларнинг раҳбарлари ва мутасаддиларини таклиф қилган эдик. Ҳуқуқ ва ваколат талаб қилиш билан бирга, адвокатларимиз ўз фаолиятларини жонлантиришса, мулк эгаси ва тадбиркорлар ҳуқуқини ҳимоя қилишга жиддийроқ ёндашувни йўлга қўйишса, умумманфаатли ишимизга салмоқли ҳисса қўшган бўлишади деб ўйлаймиз. Қолаверса, адвокатура ва адвокатнинг обрўси, ўрни ана шундай фаолиятда белгиланади.

Биз тадбиркорнинг қонунга суяниши учун, қонун унинг тарафида эканлигига, унинг ҳуқуқини ҳимоя қилишига ишониши учун нима қилишимиз кераклиги тўғрисида доимо ва жиддий равишда бош қотиришимиз зарур. Биз яна бир бор чуқур англаб олишимиз керакки, мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши, одамлар ҳаётининг фаровонлиги, тўкин-сочинлиги, ижтимоий барқарорлик бу мулкдорлар синфини шакллантиришга бевосита боғлиқдир. Бу давлат бошлиғи томонидан қўйилган стратегик вазифадир.

Ушбу мураккаб ва масъулиятли вазифани бажаришда адлия идораларининг ўрни тадбиркорларнинг ҳуқуқларини қатъият ва шижоат билан ҳимоя қилишдадир.

Бунда йўл ва восита битта: фақат қонун, қонунийлик ва унинг доирасида фаолият кўрсатиш, ҳаракат қилишдир.

**Абдусамат ПОЛВОН-ЗОДА,**
**Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазири**

# ЭЪЗОЗХОН ОПА ЭЛ ЭЪЗОЗИДА



*Лавҳа*

Чеҳрасида қуёшли табассум балқиб тургувчи бу аёлни билмаганларга ҳуқуқшунос, боз устига бир пайтлар судья сифатида айбланувчиларга ҳукм чиқарган, деб ишонтирсангиз кўпчиликнинг ишонгиси келмайди. Чунки чинакам жиноятчига муносиб жазо тайинлаш ёхуд ҳуқуқи оёқости қилинаётган мазлумларни ҳимоя қилиш, оқлаш учун инсонга қанчалар кучли ирода, мустаҳкам асаб керак бўлади. Акс ҳолда адлия тизими кишини эрта қаритади. Эъзозхон опанинг қувноқ қиёфаси эса...

Э.Холматова 1950 йилнинг 5 апрелида Ўш вилоятида таваллуд топди. Ўзбек аёли, Ўзбекистон фуқароси бўлиш бахти опанинг ярқироқ пешонасига битилган экан, ўша йилиёқ унинг ота-онаси серқуёш Сурхон воҳасининг Денов туманига кўчиб келишди.

- Тақдирдан мамнунман, - дейди Эъзозхон опа. - Шу кутлуғ заминда ўсиб-улғайдим. Мактабни аъло баҳоларга тамомлаб, 1968 йилда Тожикистон Давлат университетининг юридик факультетига ўқишга кирдим. Иш фаолиятимни дастлаб халқ судида котибаликдан бошладим. 1974 йилда Денов туман юридик маслаҳатхонасида адвокат сифатида фуқароларнинг конституцион ҳуқуқларини ҳимоя қилдим. Халқим ва раҳбарларим виждонан бажараётган ишимга муносиб баҳо беришди. 1976-1987 йиллар мобайнида Денов тумани ва шаҳри халқ судларида судья сифатида фаолият кўрсатдим. Халқнинг дуосини олган кам бўлмас экан, то ҳануз мени таниган-билган одамлар гарчи ҳозир судья бўлмасам-да, қўлларини кўксига қўйиб «Қози опа, бир пиёла чойимиз бор» деб илтифот кўрсатишади.

Айни пайтда Эъзозхон Холматова Денов шаҳар давлат нотариал идорасида катта нотариус вазифасида ишлаб келмоқда. Опанинг ҳалол ва баракали меҳнати эътибордан четда қолмайди. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг буйруғи билан икки марта раҳматнома олди. Ўтган «Аёллар йили»да вазирликнинг «энг яхши нотариус» деб номланган қимматбаҳо эсдалик совғасини қўлга киритди.

Бу бежиз эмас, албатта. Фуқаролар, ташкилотлар ва юридик шахслар ўртасида олди-сотди шартномалари, тадбиркорлар ва фермер хўжаликларига кредит олиш учун гаров шартномалари тузишда яқиндан ёрдам бериб, 10 миллион сўмдан зиёд давлат божи ундирди. Опанинг сўнгги пайтда қўл урган ва айни чоғда сезиларли муваффақиятларга эришаётган хайрли ишларидан бири бу фуқаролар ўртасида қарз олиш шартномаси тузишни нотариус орқали амалга оширишдир.

- Чунки, - дейди Эъзозхон опа, - одамлардан олган қарзларини тан олмасдан панд бериб кетаётган фирибгарлар жуда кўпайиб бормоқда. Ҳатто ўз қўли билан ёзиб, имзосини қўйган «тилхат»ларидан тонишаётганлиги туфайли бундай жиноий ишларни кўриб чиқаётган судьялар олдида ҳам катта муаммоларни келтириб чиқармоқда. Олди-берди, қарз, мол-мулк савдоси билан боғлиқ шартномаларни нотариал идора орқали тузаётган фуқаролар фақат ва фақат ютадилар...

Биз эса элнинг дуосига, эъзозу эътиборига молик бўлган опага янгидан-янги ютуқлар тилаб, «Ҳамиша эъзозда бўлинг, Эъзозхон опа!» деймиз.

**Бахтиёр ОЛЛОМУРОД,**
**Бобоқул АБДУРАСУЛОВ.**

*Мутахассиснинг шахсий фикри*

# СУД ҲОКИМИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Олий Мажлис Иккинчи чақириқ 1-сессиясида таъкидланган суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилишга оид вазифалар ўта муҳим ва долзарбдир. Чунки суд ҳокимияти тизимини такомиллаштириш ўтказилаётган ижтимоий туб ўзгаришларнинг узвий қисмини ташкил этади. Бу борада мустақиллик йилларида бирмунча амалий ишлар қилинди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига таяниб, суд ҳокимиятининг ҳуқуқий-ташкилий асослари барпо этилди. Авваламбор, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тармоқларига қарам бўлмаган суд ҳокимияти барпо этилиб, унинг мустақиллиги қонуний мустаҳкамланди. Эндиликда турли давлат органлари, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмаларининг суд фаолиятига аралашуви, уларга буйруқ беришига чек қўйилди.

Лекин суд ва судьяларнинг ижроия ҳокимиятга моддий, молиявий қарамлиги боисдан баъзан уларнинг ички иш юритувларига аралашиш, уларга баҳо бериш ҳоллари учраб туради. Масалан, 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Судлар тўғрисида» қонуннинг 10-моддасига кўра Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги бошқармалари судларни ташкил этиш, улардаги судьяларнинг миқдорини белгилаш, судьяликка номзодларни тайёрлаш ва тавсия этиш, судларни молиявий, моддий-техникавий таъминлаш, уларнинг ташкилий ишларини текшириш, суд амалиётини умумлаштириш билан шуғулланади. Кези келганда, адлия органлари судларга турли идоралардан ва ўқув юртларидан «мутахассислар»ни сафарбар этиб, комиссия юбориш ҳоллари гўё судларнинг мустақиллигини таъминлаш мақсадида амалга ошираётгандек иш тутилади. Баъзан матбуотда судлар фаолияти юзасидан етарли даражада назорат олиб бормаганлиги ва масъулиятсизликка йўл қўйгани учун адлия бошқармалари раҳбарларига чора кўрилганлиги ҳақидаги хабарларга назаримиз тушади.

Қарангки, шу ерда баъзи номутаносибликларга дуч келамиз. Масалан, хўжалик судларига нисбатан адлия идоралари бундай ваколатларга эга эмас. Улар ўз молиявий, моддий, техникавий эҳтиёжларини ўзлари белгилаши, судьяликка номзодлар захирасини ўзлари яратиши, ташкилий фаолиятларини ўзлари мустақил таҳлил қилиб, ўз муаммоларини ўзлари ҳал этишади.

Хўш, ажнабий давлатларда, ҳатто шўролар ҳокимияти исканжасидан халос бўлган Россия ва бошқа қўшни мамлакатларда аҳвол қандай? Таъкидлаш жоизки, уларнинг аксарисида барча тоифа судларнинг молиявий эҳтиёжи давлат бюджетида алоҳида акс эттирилган, кадрлар тайёрлаш ва уларни сайлаш, тайинлаш учун тегишлича парламентга ёхуд Президентга ҳавола қилиш бевосита юқори турган судлар зиммасига юкланган.

Суд ҳокимияти фақат мустақил бўлсагина шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлай олишлиги рад этиб бўлмас, синовдан ўтган фактдир. Зеро, ҳар бир инсон жамиятда суднинг мустақил бўлишидан манфаатдор.

Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясининг 10-моддаси ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа нормалари, шунингдек, БМТ Бош Ассамблеяси 1985 йил ноябр-декабрида маъқуллаган «Суд органлари мустақиллигининг асосий принциплари»ни миллий қонун ҳужжатларимизни такомиллаштиришда фойдаланишимизга зарурат бор, деб ўйлайман. Қолаверса, Конституциямиз ҳам шуни талаб қилиб турибди.

Албатта, қарамлик давридагидек судьяларга ижро этувчи органлар томонидан очиқдан-очиқ тазйиқ кўрсатиш ҳоллари ҳозирда деярли учрамайди. Лекин баъзи ҳокимларнинг судларга турли тарзда «раҳбарлик» қилишга мойиллиги, уларга маслаҳату насиҳат тарзидаги таъсиридан мутлақо холи бўлинган эмас.

Адлия идораларининг судьялар сони, иш ҳажми, техник таъминоти, суд бинолари, транспорти, идоравий харажатларини белгилашда ягона таъминот маҳкамаси сифатида фаолият кўрсатиши, ёрдам бераётганлиги яхши. Аммо бунда судлар ўз меҳнат ша-

-1-

роитларини ташкил этишда илтижо қилишга мажбур бўлаётганлигини ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Бунинг устига адлия идораларининг судлар фаолиятига баҳо бериши, уларнинг малакасини баҳолаш, жазолаш ва лавозимидан бўшатишгача масалаларни қўйишга ҳақлиги нақадар мақбуллиги хусусда ҳам ўйлаб кўриш вақти етди, деб ўйлайман.

Республикамизда судьялар сони, аҳоли, иш ҳажми ва бошқаларга нисбатан олинганда кўплаб мамлакатларга қараганда анча кам ва уларнинг иш шароитларини яхшилаш борасида мавжуд аҳволни чуқур таҳлил этиш ва хулосага келиш зарурати бор.

Зеро, иш ҳажми, юк ва шароит, табиийки, ишларнинг самарасига, сифатига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Масалан, бугунга келиб, 1995 йилга нисбатан судьялар сони ўзгармаган ҳолда ишларни кўриш ҳажми бир ярим баробарга ошган.

Менимча, бугунги кунда судьяларнинг фаолиятини қийинлаштирадиган барча эскирган тартиблардан халос бўлиш ва бу жабҳада кўплаб ажнабий мамлакатларда асрлар мобайнида синовдан ўтган ва ўзини оқлаган амалиётдан дадил фойдаланиш лозим. Назаримда, бунинг учун даставвал икки муаммони имкон борича тез ҳал этиш мақсадга мувофиқдир.

***Биринчидан,*** жиноят ишларини суддан қайта терговга юбориш советлар даврининг «мероси» ва бундай амалиёт бирор ажнабий мамлакат судлари фаолиятида учрамайди. Шахс суд олдида жавоб бергач, иш бўйича унинг айби борлигига далиллар етарли эмас деб топилган ҳолда ишни яна терговга юбориш инсон ҳуқуқини камситиш деб қаралмоғи керак. Кўпинча сир эмас, бундай ишлар қўшимча тергов давомида тугатилади ва тергов органларининг хатоси шу тариқа хаспўшланади. Шу боисдан ишни суддан қўшимча терговга юбориш тартиби бекор қилинмоғи, далиллар етарли эмаслиги шахсни оқлаш учун асос деб ҳисобланмоғи хусусида ўйлаб кўришимиз керак. Зеро, бу халқаро ҳуқуқ нормаларида ҳам кўзда тутилган.

***Иккинчидан,*** амалдаги қонунларимизга кўра юқори судлар жиноят ишлари бўйича чиқарилган ҳукмларни тарафларнинг аризалари асосида кассация ва назорат тартибида кўриб, ҳукмни бекор қилиши ёхуд ўзгартириши мумкин. Айни пайтда ишни тергов органига қайта терговга ёки қуйи судга қайта кўриш учун юбориши ҳам мумкин. Юқори суд судланувчининг айбини оғирлаштиришга қаратилган кўрсатмалар ҳам бера олади ва бу кўрсатмалар бажарилиши шарт. Иш бўйича терговда ва қуйи судда йўл қўйилган хатоларни тузатишга юқори суд фақат бунинг оқибатида судланган шахснинг ҳолатини ёмонлаштирмаслик, жазони кучайтирмаслик шарти билан ҳақли. Акс ҳолда суд хатони ўзи тузатмай, тергов органига ёки судга ишни тегишли кўрсатмалар билан қайтаришдан бошқа иложи йўқ. Бу эса яна сансалорлик ва инсон ҳуқуқини поймол қилиш билан боғланиб кетади.

Ана шу салбий ҳолатлардан қутулиш учун деярли барча илғор мамлакатларнинг суд тизимида назарда тутилган шикоятларни юқори судда апелляция тартибида кўриш тартибига ўтиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман. Уларда иш бўйича йўл қўйилган хато ва камчиликларни юқори суд бевосита ўзи бартараф этади. Аппеляция суди ишда ноаниқ масалаларни суд мажлисида судланувчи, жабрланувчи ва зарур бўлса, бошқа иштирокчиларни ҳам чақириб мазмунан муҳокама қилади ва узил-кесил ҳал этади. Натижада илгариги ҳукм тасдиқланиши ё қисман ўзгартирилиши ёхуд янги ҳукм чиқарилиши, унда судланувчининг қисмати енгиллаштирилиши ёки оғирлаштирилиши, барча хатолар юқори суднинг ўзида тузатилиши мумкин. Бу тартиб жиноят ишларини суд ва тергов органларида ойлаб, баъзан эса йиллаб «сафарда» бўлишига чек қўйилишини таъминлаган бўлар эди.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, фуқароларинг манфаатлари ва ҳуқуқларини суд

-2-

орқали ҳимоя қилиш имкон қадар кенгайтирилмоғи, **«Фуқаро, агар унинг қонуний манфаатлари ва ҳақ-ҳуқуқлари поймол этилган тақдирда, ҳар қандай масала бўйича ҳимоя учун судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлмоғи даркор!»** Шу ерда судларнинг мустақиллигини тўла таъминлашга оид баъзи мулоҳазаларимни билдирмоқчиман. Масалан, судларнинг ташкилий, моддий-молиявий таъминлаш масалалари Ўзбекистон Республикаси Олий судида тузилиши лозим бўлган бошқармага, қуйи судларда эса иш бошқарувчилар зиммасига юкланиши тўғри бўлар эди.

Судьяларнинг ихтисослаштириш мақсадида вилоятларда фуқаровий ишларни кўрувчи алоҳида судлар ташкил этиш хусусидаги таклифни ўйлаб кўришимиз керак. Фикримча, ҳозирги уч турдаги Конституциявий, умумий ва хўжалик суд тизимларни бирлаштириш ўрнига қўшимча, яна алоҳида суд тизими тузишга ҳожат бормикин? Масалан, аксари туман ва шаҳарларда фақат бир судья ишлайди. У барча жиноят, фуқаровий, оилавий, меҳнат, солиқ, автоҳалокат, уй-жой, маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича ишларни кўришга мажбур.

Юқори судларда ҳам судьялар бевосита иш кўришдан ташқари қуйи судларнинг қарор, ажрим ва ҳукмлари устидан кассация ва назорат тартибида берилган шикоят ва протестларни ҳал қилишлари керак.

Бу ҳолатни тузатиш зарурлиги аён. Хусусан, икки, уч, тўрт туман ва шаҳар учун бирлаштирилган суд ташкил этилса ва ҳар бир судда айтайлик, камида беш нафар судья лавозимлари кўзда тутилса, суд ишларининг турлари бўйича ўзаро тақсимланиши имкон яратилган бўлар эди. Масалан, бир судья шу ҳудуддаги барча туман ва шаҳарларда фақат жиноий ишларни кўрса, иккинчи судья - фуқаровий ишларни, учинчиси - меҳнат низоларини, тўртинчиси - оилавий келишмовчиликларни кўриб ҳал этган бўлар эди.

Фикримча, вилоят судларини ҳам икки-учтаси бирлаштирилса ва уларнинг фаолияти шикоят ва аризаларни кассацион тартибда эмас, юқорида таъкидланганидек, апелляция тартибида кўриш билан чекланса, суд ишларини ҳал қилиш анчайин тезлашиши, сифати ошишига эришиш мумкин. Ҳозирда вилоят судлари кўраётган жиноят ишларининг фақат бир қисми, аниқроғи, энг мураккаб ва жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган ишлар, шунингдек, республика миқёсидаги лавозимли шахсларга оид ошлар Олий судда кўрилиши, барча қолган ишлар туман ва шаҳар судлари ихтиёрига берилиши мақсадга мувофиқ. Назаримда барча ишларни назорат тартибда кўриш фақат Ўзбекистон Республика Олий судининг ваколатига киритилиши лозим.

Айни вақтда суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органларининг фаолиятини енгиллаштириш тўғрисчида ҳам ғамхўрлик қилиш, бу борада қонунларимиздаги расмиятчиликка ва қоғозбозликка сабаб бўладиган баъзи талабларни ислоҳ қилиш зарур. Масалан, унчалик жиддий аҳамиятга эга бўлмаган жиноят содир қилганларни маъмурий органлар ушлаб, улардан ва гувоҳлардан суриштириб, баённома тузиб, бу ҳақда ҳужжатларни бир-икки кун ичида бевосита судга тақдим этиш тартибини тиклаш лозим. Бу ҳақда жиноят иши қўзғатишга, турли тергов ҳаракатларини бажариб, айблаш хулосаси тузиш ва прокурорнинг розилигини олишга зарурият йўқ.

Шунингдек, агар бирор жиноятни содир этган шахс ўз қилмишига иқрор бўлса ва суд бундай иқрор ихтиёрий берилаётганлигига шубҳаланмаса, иш бўйича суд терговини олиб бормай, айбловчи ва жабрланувчининг фикрини эшитиши ва судланувчига жазо белгилаш масаласини ҳал қилиш билан кифяланиши ишларни бирмунча енгиллаштирган бўларди.

**Ғафур АБДУМАЖИДОВ,**
**профессор**

-3-

*Юртбошимиз И.А.Каримов Олий Мажлис сессиясида жамиятимиз олдида турган муҳим вазифалардан бири - суд тизимининг ислоҳ қилишдан иборат эканлигини таъкидлар экан, жумладан: «Ҳокимиятнинг тўлақонли мустақил тармоғи сифатида судларнинг фақат қонунга бўйсунишини таъминлаш мақсадида суд тизимини ислоҳ этиш керак. Суд жараёнида айблов ва ҳимоянинг амалда тенглиги таъминланмоғи ва бунинг учун адвокатура идораларининг мавқеини кўтариш даркор.*

*Суд ислоҳотини ўтказиш жараёнида жиноий ва фуқаролик ишларини кўрувчи судьяларнинг ихтисослашувини амалга ошириш ва бу масалаларни ташкилий жиҳатдан ҳал қилиш зарур. Бу, албатта, одил судловни амалга ошириш сифати ва тезкорлигини, энг муҳими, қабул қилинган суд қарорларининг адолатли бўлишини таъминлайди» деб уктирдилар.*

*Шу муносабат билан таҳририят Ўзбекистон Республикаси фан арбоби, профессор Ғафур АБДУМАЖИДОВнинг ва судья Йўлдош СУЮНОВларнинг (3-саҳифада) суд ислоҳоти ва бу борадаги муаммолар тўғрисидаги мақолаларини эътиборингизга ҳавола этади.*

(Боши 1-бетда)

*Соҳибқирон таваллуд куни олдидан*

# "АДОЛАТ ЭШИГИНИ ОЧДИМ"

«Тузуклар»га кўра суд ҳокимиятини - уч тоифа қозилар: мусулмон ҳуқуқи нормалари асосида ишларни кўриб ҳал қилувчи шариат қозилари; урф-одат ҳуқуқи нормалари асосида кундалик дунёвий ишларни кўриб ҳал қилувчи аҳдос қозилар; ҳарбий соҳадаги ишларни кўриб ҳукм чиқарувчи лашкар қозилари томонидан амалга оширилган.

Давлат миқёсида суд ишларини олиб борувчи мансабдор қози-куззот - қозилар-қозиси деб юритилган. Улар жиноий, оилавий, мулкий ва урф-одат масалаларига оид ишлар юзасидан ҳукм чиқарган.

Шариат қозилари эса Темур давлатида ҳам Қуръон, Сунна, Ижмоъ, Қиёс нормалари асосида ишларни кўриб ҳал қилган ва шу ишлар бўйича одил судловни таъминлаган.

Темур ўз давлатида одат ҳуқуқи ривожланишига катта эътибор берди, суд тизимига урф-одатлар бузилишининг олдини олувчи, уни назорат қилувчи аҳдос қози судларини ҳам киритди. Одат ҳуқуқи Темур давлатида ҳуқуқнинг муҳим манбаларидан бири бўлиб, турли халқлар яшаётган қудратли давлатда ҳуқуқий тартибни таъминлашда катта аҳамият касб этган.

Давлат арбоби Амир Темур марказлашган кучли давлатда ҳуқуқни амалга оширишга қозилардан ҳар бир айбдорни қилмишига яраша жазолашни, битта жиноят учун битта жазо тайинлашни талаб қилган. Тузукларда: «Агар бирор кимсанинг гуноҳи исботлангандан сўнг ундан жарима олсалар, бошқа яна дарра билан урмасин, дарра билан жазоласалар, ундан жарима олмасинлар» - деган қоида белгиланган.

Темур салтанатида жиноят ва жазо масалалари ҳам маълум даражада «Тузуклар» асосида ҳал этилган. Масалан, ҳар бир чегара, шаҳар ва вилоятларга хабарчи котиблар тайинланган. Улар ўз жойларидаги барча ўзгаришларни, бўлиб ўтган хабарларни ёзмаганлари учун бармоқларини кесиш, ёлғон хабар ёзсалар, қўшинга тегишли ишларни яширсалар, қўлларини кесиш каби тан жазосига тортилиши, тухмат ёки ғараз мақсадлар билан ёлғон хабар ёзганлари учун қатл жазосини бериш назарда тутилган. Ўзга ёки босиб олинган мамлакатлардаги воқеалар тўғрисида кунма-кун, ҳафтада ва ойда Амир Темурга хабар етказиб турганлар. Гадойлар ва тиламчилик қилувчиларга нисбатан дастлаб мажбурий ишга жалб қилиш, кейинчалик тамғалаш, агар шундан кейин ҳам гадойлик қилса, узоқ мамлакатларга бадарға қилиш каби жазолар кўрсатилган бўлиб, шу билан гадойликни тугатиш ҳам мақсад қилиб қўйилган.

Молия вазирлари қўл остиларидаги мол-мулкдан давлатга хиёнат қилиб, ўзлаштириб олган бўлсалар ва агарда бу ўзларига тааллуқли маошга тенг бўлса, ўша ўзлаштириб олинган маблағи давлат хазинасига бериладиган инъом сифатида қайтариб олинган, агарда унинг миқдори маошидан икки баробар ортиқ бўлса, олинган маоши ҳисобидан ушлаб қолинган уч баробар ортиқ бўлса, вазирнинг бутун мол-мулки мусодара қилинган. Агарда сипоҳий қўл остидаги кишига зулм ўтказса, у жабрланувчилар ихтиёрига топширилган. Агар катта ва маҳаллий бошлиқлар ўзларидан кичик даражадаги кишиларга зулм ўтказсалар, уларга мол-мулкига қараб жарима солиш назарда тутилган.

Доруға ва шаҳар ҳокимлари-валийлари халққа жабр-зулм қилсалар, уларни ҳам жиноятларига мос ҳолда жазога тортиш назарда тутилган. Бу каби жазо турларида кўпроқ бошқариш тартибига қарши қаратилган жиноятлар ва уларга жазо тайинлаш назарда тутилган. Бундан ташқари тан жароҳати етказиш каби ҳаракатлар: тишни синдириш, кўзни кўр қилиш, қулоқ ва бурунни кесиш, шароб ичиш, зино қилиш кабилар жиноят ҳисобланиб, судга берилиши назарда тутилган. Ўғри ва қароқчилр Чингизхоннинг «Ясо» қонунлари асосида жазоланган.

Буюк соҳибқироннинг адолат бобида қилган ишлари, «Тузуклари» ҳамда васиятлари бугунги кунда ҳам аҳамиятини йўқотмаган.

Президентимиз И.Каримов айтганидек: «Тарихимиздан ана шу жиҳатларни ҳисобга олмасак, қудратли, эркин, демократик давлат қура олмаймиз».

Дарҳақиқат, бугун юритилаётган адолатли сиёсат ва саъй-ҳаракатлари мамлакатимизда мустабид замонларда оёқости қилинган Баҳоуддин Нақшбандий, Исмоил ат-Термизий, Имом ал-Бухорий каби ҳадисшунос олиму азиз авлиёлар руҳларини шодлантирди. Минг йиллик урф-одатларимиз тикланди, ўз тилимизга қайта эга бўлдик, адолат, маърифат ва маънавият шиоримизга айланмоқда. Ҳақиқатнинг амалга ошиши, адолатнинг қарор топиши бўлгани каби яқин кунларда давлатимизнинг ривожланган давлатлар каби буюк ва қудратли давлатга айланиши шак-шубҳасиздир.

**Худоёр МАМАТОВ,**
**СамДУ юридик факультети ассистенти**

---

*Мустақиллигимиз шарофати билан талаффузимизда лицей, гимназия деган сўзлар пайдо бўлди. Кўпгина ота-оналар фахр билан фарзандим лицейда таҳсил олаяпти ёки боламни гимназияга ўқишга бердим, деб айтишади. Хўш, лицей ўзи қандай ўқув даргоҳи? Оддий мактаб билан лицей ўртасида қандай тафовутлар бор? Суҳбатдошимиз ТДИУ қошидаги Республика Иқтисодиёт лицейи директори Х.ТЎРАЕВ шу хусусида сўз юритади.*

# ЛИЦЕЙ-ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР МАСКАНИ

*Соғлом авлод орзуси*

- Мустақил республикамиз иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий тараққиёт сари қадам қўяр экан, иқтидорли ёшлар билан ишлашни, уларнинг камолоти учун қайғуришни энг долзарб вазифа сифатида қабул қилди. Чунки бугун мустақилликни мустаҳкамлайдиган, мамлакатнинг равнақи йўлида фан ва техника ютуқларини турли соҳаларга жорий қиладиган етук, малакали мутахассислар сув ва ҳаводек зарур.

Ёшларимизнинг зукко, ақл-заковатли, билим ва малака доираси кенг бўлган мутахассис бўлиб етишиши педагог ва таълим ходимлари зиммасига катта масъулиятлар юклайди. Бу - иқтидорли ва истеъдодли ўқувчиларни излаб топиш, уларга такомиллашган шаклда таълим-тарбия бериш, уларнинг қобилиятларини юзага чиқаришга хизмат қилувчи шарт-шароитларни яратиш ва уни янгиланиб бораётган давр шароитига мослаштириш демакдир.

Ўзбекистон Республикасининг Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида чуқур ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, республикамиз шаҳар ва қишлоқ ёшларидан энг иқтидорлиларининг лицейларга қабул қилиниши ва уларнинг маълум йўналишлар бўйича чуқурлаштирилган дастурлар асосида ўқитилиши ўзига хос янгилик бўлди. Таълим беришнинг бу шакли ўрта мактаблардаги ўқитиш услубига нисбатан ижобийлиги, прогрессивлиги билан ажралиб туради.

Лицейларнинг фаолияти ҳақида сўз юритишдан олдин, бу сўзнинг луғавий маъноси ҳақида тўхталиш фойдадан холи бўлмайди. Лицей юнонча «Lution» сўзидан олинган бўлиб, ўрта умумтаълим тизимини англатади. Лицейда ўқиш 5 йилдан 7 йилгача бўлиб, кейинчалик, унинг битирувчилари ўрта махсус ҳамда олий ўқув юртларида ўқишларини давом эттиришлари мумкин.

Лицейлар XIX аср охири - XX аср бошларида чор Россиясида дворян болалари учун имтиёзли ўрта ва олий ўқув юрти ҳисобланган. Унда барча идоралар, Ички ишлар вазирлиги учун давлат амалдорлари тайёрланган.



Юқоридагилардан кўринадики, лицей ўқув тизимидаги бир шахобча бўлиб, турли мамлакатларда турлича мақсадларни кўзлаб фаолият кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 27 майдаги лицей ҳақидаги Низомига биноан лицей - Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонунига мувофиқ ўз фаолиятида таълимнинг узлуксиз принципини амалга оширувчи ўрта умумтаълим муассасаси ҳисобланади. Лицей ёшларда таълим, ахлоқ, маданий ва жисмоний камолотнинг юқори кўрсаткичларини мужассамлаштиришни таъминлаш мақсадида ташкил этилади.

Бугунги кунда Олий таълим вазирлиги тасарруфидаги олий ўқув юртлари қошидаги 28 лицей-интернатлар ва 4 гимназияда республикамизнинг 5200 дан ортиқ иқтидорли ёшлари ўзлари танлаган йўналишлар бўйича чуқур билим олмоқдалар.

Бу ўқув муассасалари ўзининг мақсад ва вазифалари доирасида Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган таянч ўқув режалари негизида яратилган шахсий ўқув режа асосида иш юритади. Ўқув режаси чуқур ўқитиладиган йўналишга доир фанлар қатори ҳар томонлама такомиллашган инсон шахсининг шаклланиши учун зарур бўлган хорижий тиллар, маданият ва санъат соҳаларидаги фанларнинг ўқитилиши ҳам ҳисобга олинган.

Лицей синфларида ўқувчилар сони 25 дан ошмаган ҳолда йўналишга доир ЭҲМ ва тил ўргатиш дарсларида синф 2 гуруҳга бўлиб ўқитилади, бунда педагог дарс жараёнида ҳар бир ўқувчининг психологиясини ва имкониятларини эътиборга олиб, улар билан индивидуал шуғуллана олади.

Лицейларда дарс беришга олийгоҳларнинг юксак малакали, фидойи профессор ва ўқитувчилари танлов асосида жалб қилинади. Лицей ўқувчилари олийгоҳ талабалари фойдаланиб келаётган кутубхона, кафедра тажрибахоналари, соғлиқни сақлаш ва спорт комплексларидан фойдаланадилар. Улар бўш вақтларида ўзлари ёқтирган фан ва спорт тўгаракларида қатнашадилар. Энг муҳими, улар шу олийгоҳ муҳитида яшайдилар, кўникадилар ва лицейни тугатиб, кўпчилиги шу институтлар талабаси бўладилар.

Юқорида айтилганларнинг барчаси мамлакатимиз раҳбариятининг Ватанимиз келажаги ҳисобланмиш ёшларнинг ҳар жиҳатдан баркамол инсон, етук мутахассис бўлиб етишиши учун амалга ошираётган саъй-ҳаракатларининг бир нишонасидир.

**Суҳбатдош: Арофат ОРТИҚОВА**

---



Жиззах вилоятининг қўриқ Арнасой туманида қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштириш ва шартнома интизомини мустаҳкамлашга қаратилган кўплаб ишларнинг амалга оширилишида ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг ҳам хизмати бор.

Биз бевосита далаларда бўлиб, деҳқон ва фермерлар билан тез-тез учрашувлар ўтказиб туришни йўлга қўйганмиз, - дейди туман прокурори, адлия маслаҳатчиси Баҳодир Эргашев. - Бу эса фермер хўжаликларининг самарали фаолият кўрсатишларини таъминлаш, уларнинг ишига четдан ҳуда-беҳуда аралашишларга барҳам бериш, тўпланиб қолаётган муаммоларни жойида ҳал қилишга ижобий таъсир ўтказмоқда.

Суратда: Баҳодир Эргашев «Олтин водий» фермерлар уюшмасига қарашли хўжалик деҳқонлари билан суҳбатлашмоқда.

**Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

---

# ҚЎШТАМҒАЛИ НАШАФУРУШ

Гиёҳвандлик энг оғир жиноятлардан ҳисобланади. Айниқса, нафс ўпқонига қул бўлган кимсалар мўмай пул топиш иштиёқида гиёҳвандлик моддаларини тарқатиш, сотишга киришганларида бу ҳаракатларнинг оғирлик даражаси ошади. Чунки шу дақиқадан бошлаб улар жамиятга ижтимоий ва маънавий зарар етказа бошлаган бўлишади.

«Олқартепа» ижара хўжалигининг Қўштамғали қишлоғида яшовчи Худойберди Норбеков ҳам ана шундай шахслардан бири экан, - дейди Булунғур туман прокурорининг ёрдамчиси Ҳусан Чиниқулов. - У уйида унча-мунча эмас, 700 грамм марихуана гиёҳвандлик воситасини сотиш мақсадида сақлаб келган ва уни 80 минг сўмга пуллаётган пайтда тезкор ходимларимиз томонидан қўлга олинди. Иши судга оширилгач, туман судининг ҳукми билан Худойберди Норбековга 12 йил муддатга қаттиқ тартибли колонннияда жазо ўташ жазоси берилди.

Қирқ ёшдан ошса ҳам қуйилмаган бу шахс иккинчи марта жиноят курсисига ўтирди. Хўш, уни бундай қалтис жиноятга нима мажбур этди?

Бизнингча, дунёқарашидаги тубанлик ва нафс балоси уни бу йўлга солган. «Менинг нафсим балодир, ёнган ўтга соладир», деб шундай кимсаларга айтсалар керак-да. Йўқса, беш нафар фарзанднинг отаси ўзини «қўштамғаликман» дея пешонасига «қўштамға» олиши шартмиди!

**Олимжон ҲАМЗАЕВ,**
**Самарқанд вилояти.**

---

*Қаранг-а!*

# ЭРИГА ТИК БОҚҚАН АЁЛ

**Мисрлик Муҳаммад Абу Иззат хонадони АҚШнинг Вашингтон шаҳри яқинида истиқомат қиларди. Эркакка чунонан хушхулқли аёл насиб этган эдики, америкалик қўшнилари ҳайрон қолишарди. Шарқона ҳурмат, муслима аёлларга хос одоб, эрининг гапини икки қилмаслик, юзига тик боқиб бетидан олмаслик, назокатли итоаткорлик...**

**1999 йил октябр ойида Муҳаммад Абу ватани - Мисрга сафарга отланиб қолди. Хотини билан келишиб олди. Унинг кўмагида бир нечта жомадонни совға-саломларга тўлдирди. Дўстлари, қўни-қўшнилари билан хайр-маъзур қилди. 31 октябр куни эрталабки рейсда Қоҳирага учиши керак эди. Аммо...**

**Каллаи саҳарлаб америкалик қўшнилар ҳайратга тушдилар: Муҳаммаднинг мўмина аёли жунбушга келганини, эрининг жомадонларини қўлидан тортиб олиб ертўлага итқитганини, паспорти ва самолёт билетларини олиб қўйиб яшириб ташлаганини, эрини сафардан қолишини қаттиқ туриб талаб қилаётганининг гувоҳи бўлишди.**

**Аёлга эрининг дағдағалари ҳеч кор қилмаётган эди. Ҳатто... сабабини суриштиришганда аёл уни тушунтириб беролмади.**

**«Шундай аҳил оилага ҳам совуқчилик оралади-я, энди жанжалдан бошлари чиқмаса керак» деб ўтиришганларида, бирданига шўх-шодон қичқириб, хотини устига доллар ва тилла тақинчоқлар сочаётган Муҳаммад Абуга нигоҳлари тушиб, янада эсанкираб қолишди. Эр «Худога ва хотинимга ҳамду санолар бўлсин» деб ҳайқирганича қўшниларига қўша-қўша шишаларда виски тарқатаётганида одамлар мутлақо танг қолишди. Сабаби бироздан сўнг маълум бўлди: шу куни Иззат учиши керак бўлган Вашингтон-Қоҳира самолёти фазода портлаб, океанга тушган ва барча йўловчилар ҳалок бўлишган экан.**

**Хуллас, кучли оила жанжалидан сўнг мазкур хонадонда ўзаро аҳиллик ва ҳурмат яна бир поғонага кўтарилибди.**

**ОАВ хабаридан Шерзод ҚИЛИЧЕВ тайёрлади**

---

*Фикрлар чорраҳаси*

# СУД ИСЛОҲОТИ - ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ

Мустақиллигимизга ҳам ҳадемай тўққиз йил тўлади. Мана шу давр мобайнида Республикамиз жаҳон ҳамжамиятида халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида эътироф этилди, ўз муносиб ўрнини топди. Бунда, албатта, мазмун жиҳатдан кўплаб ривожланган давлатлар асосий қонунлари билан беллаша оладиган Конституциямиз қудратини эътироф этмоқ жоиз.

Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи чақириқ ўн тўртинчи сессияси минбаридан **«Давлат қурилиши жараёнларини чуқурлаштириш ва эркинлаштириш тўғрисида гапирганда, Конституцияда ва қабул қилинган қонунларда кўзда тутилган - ҳокимиятнинг турли тармоқларини бир-биридан ажратиш тамойили амалда қандай рўёбга чиқарилаётганига алоҳида эътибор бериш муҳимдир»**, дея таъкидлаган эди. Ҳокимиятнинг муҳим бўғини бўлган суд ҳокимиятини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш, аввало, ҳукм чиқарувчи судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлашга қаратилиши кераклигини алоҳида уқтирдилар.

Бу фикр-мулоҳазалар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидан оғишмай бораётган давлатимиз ва халқимизнинг бугуни ва келажак тақдири учун ўта аҳамиятлидир. Чунки «Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари» деган мақсадли сиёсий қурилиш дастури ҳокимиятнинг барча бўғинлари қатори суд ҳокимиятининг ҳам фаолиятини янада такомиллаштиришни тақозо этади.

Мана, бир йилдирки, бу борада суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш юзасидан таклифлар тайёрлаш Республика Комиссияси ишлаб турибди. Унда мамлакатимизнинг иқтидорли ҳуқуқшунос олим-мутахассислари ва амалиётчиларининг таклиф — мулоҳазалари чуқур ўрганилмоқда, улар оммавий ахборот воситаларида эълон қилиб борилмоқда. Бу ўринда мазкур Комиссия раиси А.Полвонзоданинг «Халқ сўзи» газетасида (1999 йил 16 ноябр) чоп этилган «Мустақилликнинг машаққатли йўли» номли мақоласи эътиборга моликдир.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ «Судлар тўғрисида», «Прокуратура тўғрисида» Қонунларимиз қабул қилинган эди. Улар мазмун-моҳияти жиҳатидан дунё қонунчилик амалиёти ва халқимизнинг кўп асрлик урф-одатлари ҳамда қадриятлари негизида яратилганлигини эътироф этиш керак. Аммо табиийки давр қонунларимизни янада такомиллаштириб боришни тақозо этаяпти. Бусиз ривожланиш, тараққиёт бўлмаслиги ҳам маълум. Мен уларни қайта ўқир эканман, баъзи жиҳатлар юзасидан пайдо бўлган фикрларимни қоғозга туширдим. Масалан, «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунда шундай қоида бор: «Прокурор ишнинг кўриб чиқилишида иштирок этганлиги ёки этмаганлигидан қатъий назар, ушбу иш хусусида суднинг чиқарган ҳал қилув қарорлари, ҳукмлари, ажримлари ва қарорлари қонунга ҳамда иш юзасидан тўпланган материалларга қай даражада мувофиқ келишини текширади. Прокурор жиноий, фуқаролик, хўжалик ва маъмурий ҳуқуқбузарлик ишлари бўйича суднинг чиқарган ғайриқонуний қарорлари устидан юқори турувчи судга протест келтиради» **(36-модда).**

-1-

Ёки «Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ҳар қандай суднинг протест келтирилган ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими ва қарори ижросини иш назорат тартибида ҳал этилгунига қадар тўхтатиб туришга ҳақлидир» **(41-модда)** дейилган. Бу ҳолатни албатта дастлабки даврларда тўғри тушуниб қаралса бўларди. - Аммо бугунга келиб судларнинг ҳокимият тизимининг алоҳида ва муҳим бўғини сифатидаги мустақиллигини таъминлаш учун назаримда, улар маълум маънода мутаносиблик касб этмагандек кўринади.

Маълумки прокуратура идоралари юқори назорат органи сифатида тан олинган ҳолда давлат ҳокимиятининг у ёки бу шакли сифатида фаолият кўрсатиши аниқ белгиланмаган. Лекин унинг вазифаларидан келиб чиқадиган бўлсак, прокурор ўз-ўзидан қонунлар ва қонуности ҳужжатларининг аниқ ҳамда бир хилда бажарилиши устидан назорат қилувчи сифатида ҳокимиятнинг ижро этувчи бўғинига мансуб бўлиб қолади.

Прокурор суд ҳукми, ҳал қилув қарори, ажрими ва қарорларининг қонунларга мувофиқлигини текшириш ва аниқлаш жараёнида бевосита уларга

-2-

ҳуқуқий баҳо беради, улар юзасидан ўз мулоҳазаларини баён этиб, лозим топилса, протест келтиради.

Мана шу ҳолатнинг ўзи суд ва судьяларнинг мустақил фаолияти устидан қайсидир маънода юқорида айтганимиздек, ижроия ҳокимиятининг бўғини назорат юритаётгандек кўринади.

Ваҳоланки, «Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг 35-моддасида **«Прокурор суд жараёнида бошқа қатнашчилар билан тенг ҳуқуқлардан фойдаланар экан, судларнинг мустақиллиги ва улар фақатгина қонунга бўйсуниши принципига қатъий риоя этиши, ўз фаолияти билан одил судловни амалга оширишга кўмаклашиши шарт»** дейилган.

«Судлар тўғрисида»ги қонунда эса прокурорнинг бундай ваколатлари назарда тутилмаган бўлиб, шу ерда бироз номутаносиблик юзага келган кўринади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19-моддасида «Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, УЛАРДАН СУД ҚАРОРИСИЗ МАҲРУМ ЭТИШГА ЁКИ УЛАРНИ ЧЕКЛАБ ҚЎЙИШГА ҲЕЧ КИМ ҲАҚЛИ ЭМАС», деган қоида қайд этилган. Шу боисдан, менимча жиноят, жиноят-процессуал, «Прокуратура тўғрисида»ги қонунлардаги ана шундай чеклаш-ҳақлилик масалаларига бирмунча ойдинлик киритиш устида бош қотиришга ҳожат бор.

Умуман, судьяларнинг ҳуқуқий мақоми, айниқса, судьялик фаолиятининг ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланиши янада такомиллаштирилишига зарурат мавжуд деб ўйлайман. Зеро, судья давлат номидан иш кўрар экан, у шу мавқега муносиб равишда содир этилиши мумкин бўлган турли бўҳтонлар, тухматлар, уйдирмалар, тажовузлар ва найранглардан ҳар томонлама ҳимояланган бўлиши керак. Тўғри, қонунларимизда бундай кафолат умумтарзда берилган. Лекин унинг механизми ишлаб чиқилган эмас.

«Судлар тўғрисида»ги қонунга биноан вилоят, шаҳар ва туман судьялари лавозимларига Республика Президенти томонидан тайинланадилар ва озод этилади. Бу судьяларга катта мақом, эътибор, ваколат ва ҳуқуқ берилганлигини кўрсатади. Шу билан бирга ўта катта масъулият ҳам юклайди. Шу боисдан, амалиётда учраб турадиган, судьялар устидан жиноий иш қўзғатиш ёки уларнинг уй-жойини тинтув қилиш, автотранспорт воситасини кўздан кечириш (текшириш ёки унда тинтув ўтказиш ва бошқалар) каби ҳаракатларни амалга оширишда изн олиш механизмини яна бир бор ўйлаб кўришга ҳожат бор, деб ҳисоблайман.

Мамлакатимиз ҳуқуқий демократик давлат қуришни ўз олдига олий ният қилиб қўйган экан, халқимизнинг тарихан шаклланган миллий анъаналари, урф-одатлари, ўзига хос менталитетидан келиб чиққан ҳолда суд-ҳуқуқий соҳага оид ислоҳотларни, аввало республикамизнинг ўзига хослиги, қолаверса халқаро ҳуқуқ нормалари ва андозалари асосида ҳаётга татбиқ этиши муҳимдир.

-3-

**Йўлдош СУЮНОВ,**
**Каттақўрғон туман судининг раиси.**

---

Ўша куни кечқурун Саъдулла Алишернинг уйига келди. Икки ошна ёнбошлаб телевизорда берилаётган чет эл фильмини томоша қилдилар. Фильм мавзуси жиноятчилар, яъни ўзганинг мол-мулкини ўғирлаш, талон-тарож қилиш ҳақида эди. Энди йигирма беш ёшга тўлган бу навқирон йигитлар фильмни кўриш давомида ўз эҳтиросларини яшира олмадилар. «Қойил, бир зумда катта бойликка эга бўлди-я», деди бири. «Уддабурон экан», деб маъқуллади иккинчиси.

Фильмнинг серияси тугади.

*Тунги шарпалар*

# ХОРИЖ ФИЛЬМИНИНГ ДАВОМИНИ КЎРОЛМАГАН ЙИГИТЛАР

Саъдулла уйига қайтадиган бўлди. Икки ошна ҳовлига чиқди.

- Яхши кино экан, давоми қачон бўлади? - деди Саъдулла.

- Келгуси ҳафтада, - деди Алишер. - Саъдулла, шалпайиб юраверамизми, кел, мол ўғирлаймиз.

Улар қўшнининг сигирини ўмаришга келишиб олишди.

Булунғур туманининг А.Навоий номли жамоа хўжалигида яшовчи Алишер Сайдилов шу туманнинг «Чўянтепа» жамоа хўжалигида яшовчи Саъдулла Бобоназаровлар шу ярим тунда Усмон Норқуловнинг молхонасидан сигирини ўғирлаб, қайдасан, Жомбой бозори, дея йўлга чиқдилар. Бироқ уларни Жомбой тумани «Зарафшон» маҳалласи посбонлари тўхтатди. Мол эгасига, ўғрилар милиция топширилди.

Булунғур туман суди ҳар икки ўғрига бир хил жазо тайинлаб, фильмнинг давомини қамоқхонада кўришга ҳукм чиқарди. Хуллас, улар ҳаёт бошқа, кино бошқа эканлигини тушуниб етдилар. Афсуски, кеч эди.

**Олимжон ҲАМЗАЕВ,**
**журналист**

Орамиздаги масъул одамлар

# «НАФАҚАТ СУДЬЯЛИК, БАЪЗАН ҚАЙНОНАЛИК ҲАМ ҚИЛАМАН»

***дейди биз билан суҳбатда Бухоро вилояти Ромитан судининг судьяси Қурбонгул ЭРГАШЕВА***

Хизмат сафари билан мамлакатимизнинг турли вилояту туманларида бўлишимизга тўғри келади. Ана шундай сафарлар жараёнида турфа касб эгалари, турфа феъллик юртдошларимиз билан учрашиб, суҳбатлашамиз. Уларнинг баъзилари бир умрга ёдингизда муҳрланиб қолса, баъзиларини тезда унутиб ҳам юборасиз...

Бу гал хизмат сафари билан Бухоро вилоятининг Ромитан туманида бўлганимизда ҳамроҳларимиздан туман судининг судьяси Қурбонгул Эргашева ҳақида яхши фикрлар эшитиб қолдик. Бизда у киши билан учрашиб, суҳбатлашиш фикри туғилди. Тўғриси, Қурбонгул опа билан учрашишга кетаяпмизу хаёлимда негадир димоғдор, эркакшода, атрофга менсимай назар ташлайдиган аёл гавдаланганди...

Икки оғиз сўз қаҳрамонимиз ҳақида: Эргашева Қурбонгул Муродовна 1963 йилда Бухоро шаҳрида таваллуд топган. Ўрта мактабни тугатгач, 1988 йилда Самарқанд Давлат Университетининг ҳуқуқшунослик куллиётини битирган. 1988 йилдан бошлаб Бухоро шаҳридаги Файзулла Хўжаев тумани ички ишлар бўлими, Бухоро вилоят адлия бошқармасида турли вазифаларда фаолият кўрсатган. 1996 йилдан буён Бухоро вилояти Ромитан туман судининг судьяси. Оилали. Икки фарзанднинг онаси.

Бизни оддийгина хонада, оддий аёллардан кийиниши билан ҳам, хатти-ҳаракатлари билан фарқ қилмайдиган аёл кутиб олди. Тан олиб айтиш керак, бухороча соддалиги-ю, самимийлиги шундай юзидан кўриниб турган бу мулойим ва меҳрибон аёлнинг бировларни суд қилиши, жазога тортишига ишонгимиз келмади. Умуман аёл, она, рафиқа, уй бекаси... ва яна шунга ўхшаш ўнлаб «унвон»лари бўлган аёлларимизнинг турли соҳаларда ишлашларига кўникиб кетганмиз. Лекин...

- Биласизми, - деб сўз бошлайди Қурбонгул Эргашева. - Одатда одамларнинг назарида судлар фақатгина жазоловчи орган сифатида талқин этилади. Бу балки ўтган 70 йилдан ортиқ мустабид тузумнинг оқибати, ўша оғир йилларда халқнинг кўз ўнгида содир этилган, масалан, «пахта иши»га ўхшаш ноҳақликлар туфайли пайдо бўлган тасаввурдир. Аслида эса бу тасаввур умуман нотўғри. Судья ҳам энг аввало одам. Унинг ҳам қалби, юраги бор. Судья ҳам баъзан одамлар кўзидан пинҳон бўлса-да, жабрланувчининг ҳолига кўз ёши тўкиши мумкин. Ишончим комилки, суд тизимида фаолият кўрсатаётган ҳамкасбларимиз фуқароларни жазолашдан кўра уларга тўғри йўл кўрсатишни, адашган инсонларни тўғри йўлга солиб юборишни афзал кўрадилар...

Ана шу ўринда кўксимизнинг қаеридадир ғимирлаб турган савол юзага қалқиб чиқди. Аёл зоти борки, меҳрибон, кўнгли бўш, раҳмдил бўлади. Албатта, бу сифатлар мақоламиз қаҳрамонига ҳам бегона эмас. Шундай экан, ана шу раҳмдиллик, шафқатпарварлик туйғулари жиноят иши кўрилаётган пайтда уйғониб қолса, адолат салтанатининг юзига соя ташламасмикин, деган иштибоҳ бор эди кўнглимизнинг бир четида.

- Йўқ! - биз сўзимизни тугатмасимиздан чўрт кесди Қурбонгул опа. - Менинг назаримда адолатпарварликда, ҳақиқатни юзага чиқаришда аёл судьяларимизнинг ўта собитқадам эканлигини ҳам таъкидлаб ўтишни хоҳлардим.

Келинг, ўз тажрибамдан келиб чиқиб, бир-икки мисол келтирай. Ажрашиш истагидаги оилалар судга мурожаат қиладилар. Четдан қараганда оддий ишдек. Эр ажрашмоқчи, хотин ҳам рози. Судья фақатгина ажрашишни расман тасдиқлаб берса бас. Аммо мана шу ажрашиб кетаётган оиланинг фарзандлари бор. Жаҳл устида ажрашишга қарор қилган эр-хотин ўз пуштикамарларидан бўлган дилбандларини тақдир ҳукмига ташлаб қўяётганларини ўша пайтда ҳис қилмайдилар. Буни ҳис қилишга баъзан жаҳл йўл бермаса, баъзан эр ёки хотиннинг ўйловсизлиги сабаб бўлади.

Бундай ҳолда жазоловчига айланиб қолган судья эр-хотинни ажратиб қўя қолади ва шу нуқтада у қонун олдида ҳам ҳақ бўлади. Лекин Аёл - судья, она - судья ҳеч қачон бундай қилолмайди. Чунки у ҳам кимнингдир рафиқаси, унинг ҳам фарзандлари бор. Шундай экан у иложи борича, ўша оилани сақлаб қолишга ҳаракат қилади. Мен ўзим оилавий можароларни кўрганда, иложи борича ажрашиш учун келганларни яраштириб қўйишга ҳаракат қиламан. Энди бу ўринда нафақат судьялик, балки оналик, ёш бўлсам-да, баъзан қайноналик қилишимга ҳам тўғри келади.

Энг асосийси, эр-хотин ярашиб, яхши яшаб кетганларидан кейин эшитадиган раҳматингиз. Ана шу бир оғиз раҳмат, тирик етим бўлишдан асраб қолинган болаларнинг кўзларидаги миннатдорчилик ёлқинлари ҳар қандай заҳматингизни унуттириб, кўксингизни осмон қилиш қудратига эга бўлади. Мен ана шундай мисолларни



кўплаб келтиришим мумкин. Фақат бу миннатга ўхшаб қолмасмикин, деган истиҳола ана шундай оилалар манзили, исмшарифларини айтишдан қайтариб турибди.

Энди кўнгилбўшлик ҳақида гапирадиган бўлсак, бир неча йил олдин туманимиздаги «Қўрғонча-Ромитан» жамоа хўжалиги Бахтиёрчи қишлоғида яшовчи Розия Тўлаева деган аёлни оналик ҳуқуқидан маҳрум қилдик. Маълум бўлишича, эр хотинининг айби билан қамалиб кетган. Ўз эркига эришган, эрнинг тергашларидан қутулган аёл очиқдан-очиқ енгилтаклик кўчасига кирган. У ўзининг бундай жирканч турмуш тарзини ҳеч кимдан яширмаган ҳам.

Судда болалари ўз туққан оналарига қарши кўрсатма беришди. «Онамиз кечқурунлари уйдан чиқиб кетади. Ярим кечалари бегона одамлар келиб деразамизни тақиллатади. Биз кечалари билан қўрқиб ухламай чиқамиз. Ўзимиз кир ювиб, ўзимиз нон ёпамиз. Ўзимиз овқат қилиб еймиз. Шунда ҳам баъзан ярим тунда, баъзан саҳарда келиб биз билан жанжал қилади. Кўчага ҳайдаб солади. Бизга бундай онанинг кераги йўқ!»

Бу Р.Тўлаеванинг бош фарзанди, вояга етмаган Карим Рамазоновнинг кўрсатмаси. Ишонасизми, мен ана шу пайтда Р.Тўлаева дод солиб йиғласа, болаларидан кечирим сўраб, тавба-тазарру қилса керак, деб ўйлагандим. У бўлса пинагини ҳам бузмай, «Суд йиғилиши қачон тугайди?» деб сўради.

Унга охирги сўзни берганимизда лоақал бир марта бўлсин оналик ҳуқуқини сақлаб қолишга, ўзини оқлашга, фарзандларига нисбатан меҳр кўрсатишга, уларни ўзига қайтаришга интилмади. Залга йиғилган одамларнинг нафрат тўла нигоҳлари остида уни оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳақидаги қарорни ўқидим. Шунда ҳам «Менга рухсатми?» деб беҳаёларча юриб чиқиб кетди.

Шу маҳзун воқеа таассурот боиси ўша куни туни билан йиғлаб чиқдим. Нега бундай оналик номига иснод келтириб яшаётган беҳаёларга муносиб жазо йўқ, деб ўксиндим. Аслида эса она учун фарзандидан жудо бўлишдан кўра оғирроқ жазо бўлмаса керак.

Суҳбатимиз ўзани ўз-ўзидан оила, аёл мавзуларига бурилиб кетди. Бу ҳақда Қурбонгул опанинг куйиниб айтаётган сўзларини эшитиб ҳар қандай киши ўйга толиши аниқ.

- Кейинги пайтларда - дея сўзини давом эттиради Қурбонгул опа, - кўпроқ аёлларнинг хиёнатлари сабаб оилалар бузилмоқда. Улар судда ҳар хил баҳоналарни рўкач қилишади. Лекин менинг назаримда ўз танмаҳрамига хиёнат қилган аёлни ҳеч қандай баҳона, ҳеч қандай сабаб билан оқлаб бўлмайди. У хиёнат кўчасига қадам қўйган кундан ўз-ўзига ҳукм чиқарган. Ўзини ифлослик ботқоғига ихтиёрий равишда ташлаган. Ўзим аёл бўла туриб ҳам бундай аёлларни на оқлай оламан, на тушуна оламан. Кимлардир бунга иқтисодий вазиятни, яхши «яшашга интилишни», яна кимлардир тўқликка шўхликни сабаб қилиб кўрсатишади. Лекин аслида бу калтабинлик, маънавиятсизлик, енгилтакликдан бошқа нарса эмас. Назаримда,ана шундай аёлларга нисбатан жазо чораларини кескинлаштиришимиз керак. Токи миллий урф-одатларимизга ёт унсурлар халқимиз орасида илдиз отмасин. Токи, оналик шаънига иснод келтирувчи, аёллик шаънини ерга урувчи бундай шахсларга орамизда ўрин бўлмасин.

Ўтган йили туманимизнинг Ф.Қурбонов номли жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи И.Кенжаевнинг ишини кўриб чиқдим. У ўз пушти камаридан бўлган уч фарзандига нафақа тўлашдан қочиб юрган экан. Тўғри, биз қонуний қарор қабул қилдик. Даъвогар, унинг собиқ турмуш ўртоғи М.Султонованинг даъвосини қаноатлантирдик. Лекин И.Кенжаевнинг йигитлик шаъни, эркаклик ғурури қани, деган саволни бермасликнинг иложи борми? Наҳот одам ўз туққан фарзандларидан тонса?! Майли, эр-хотин қайсидир сабаб билан ажрашган экан. Ўртада сарсон бўлиб қолган уч норасиданинг гуноҳи нима? Нега бир вақтлар «мен ота бўлдим» деб кўкрагига уриб юрган зот бугун ўз болаларига аталган нафақа пулини тўлашдан қочиб юрибди?! Менинг назаримда ана шундай оталарга ҳам ҳар қанча жазо берсак арзийди...

Қурбонгул Эргашева билан суҳбатимиз жуда узоқ чўзилди,. Опа бизга жуда кўп мисоллар келтирди. Опанинг куйиниб, ҳаяжонланиб айтаётган сўзларини тинглаб, қани энди ҳамма ўз касбига мана шундай фидойи бўлса, деган ўй кечди хаёлимиздан. Лекин судьялик аёл кишининг касби эмас, деган хаёл келган кўнглимизни яна «Қурбонгул опанинг турмуш ўртоқлари бу касбга қандай муносабатда экан» деган саволни ҳам банд этди.

- Турмуш ўртоғим, Нажмиддин Сирожов билан ҳамкасбмиз десак ҳам бўлаверади, - дейди Қурбонгул опа. - У киши милиция ходими. Биз бир-биримизни жуда яхши тушунамиз, авайлаймиз. Шунинг учун бўлса керак, мен қаерда ишламайин, ишимда ҳеч қачон қийинчилик ҳис қилмаганман. Чунки ёнингда сени тушунадиган, сенга чин дилдан кўмаклашадиган, сени ҳар доим қўллаб-қувватлайдиган одаминг борлиги ҳам катта бахт.

Биз Қурбонгул Эргашева раислигида кўриб чиқилган «иш»ларни варақлаймиз. Турли одамлар, турли тақдирлар, турли ҳукмлар. Улар орасида ўғирлик, гиёҳвандлик, ажрашиш, ҳаттоки айтишга тил бормайдиган баттол қилмишларга чиқарилган ҳукмлар бор. Ана шу жиноятларнинг барчаси ўзи вақтида кўриб чиқилган, жиноятчилар қилмишларига яраша жазога тортилганлар. Ана шу ишларнинг ҳаммасини мана шу қаршимизда турган жуссаси кичиккина, кўзларида мулойим табассум порлаб турган аёл кўриб чиққан. Ўзи айтганидек, «бирда нафратдан ёниб кетса, бирда кечалари йиғлаб чиққан аёл» ҳукм чиқарган.

Мақоламиз қаҳрамони билан хайралашар эканмиз, хаёлимиздан шоиранинг сатрлари ўтади: «Сен барибир муқаддассан, муқаддас аёл!..»

**Ислом ҲАМРО,**
**журналист.**




*Лаҳза*

## СЕНИ ЎЙЛАДИМ

*Далаларда юз очиб кўклам,*
*Майсаларда тебранса шабнам,*
*Хаёлларга чулғаниб мен ҳам,*
*Соғинч ила сени эсладим.*

*Лола каби ёнимда, билгил,*
*Очилишинг истарди кўнгил,*
*Очил бунда, бағримга тўкил,*
*Ўтинч ила сени эсладим.*

*Тўғри йўлда қоқилсам агар,*
*Дилда пайдо бўлади кадар,*
*Ҳижронингда қон бўлди жигар,*
*Армон ила сени эсладим.*

*Тунларимни тонгларга улаб,*
*Аламларни бағримга қалаб,*
*Мен ишқталаб, мен висолталаб,*
*Соғинч ила сени эсладим.*

*Ўйлайману ўйларим хароб,*
*Воҳ, куйингда қилмагил бетоб,*
*Наҳот орзуларим бўлади сароб?..*
*Умид ила сени эсладим.*

**Камол ҲАСАНОВ**

ЭЪЛОН

**Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2000 йил 20 мартда 851/00 У-сонли ажрими билан «Дим-Ним» МЧЖни банкрот деб эълон қилиш учун иш очилганлиги сабабли кредиторлар йиғилиши 2000 йил 10 апрел соат 11[00] да Юнусобод тумани ДСИда бўлиб ўтади.**

*Манзил: Амир Темур кўчаси, 95-уй, тел: 137-54-13*

# АПРЕЛ ОЙИ СИЗГА НИМАЛАРНИ ВАЪДА ҚИЛАДИ

**ҚЎЙ.** Бу ойда сизнинг қатъиятлилигингиз ишларингизнинг бароридан келишида муҳим аҳамият касб этади, айниқса, ишқий муносабатлар борасида. Янги фильмларни томоша қилиш, ёқимли ҳис-туйғуларни ифодаловчи китобларни мутолаа қилиш, ҳатто бирор-бир кўргазма ёки музейга бориш ҳам сизга ўзгача ҳузур-ҳаловат бахш этади. 6-га бориб қандайдир муҳим ишларга қўл уришга шошилманг! Яхшиси, икки-уч кунни яхши ҳордиқ учун бағишланг. Юлдузлар 19-дан кейин қабул қилинган қарормақсадларга мувофиқ бўлишидан хабар қилади.

*Омадли кунлар: 2, 6, 19, 25*
*Омадсиз кунлар: 3,18.*

**БУЗОҚЧА.** Ойнинг боши янги танишлар орттиришингиз ҳамда яқинларингиз билан муносабатларингизни тиклашингизга қулай бўлади. Сиз учун қимматли бўлган кишингиз ёрдамингизга муҳтож бўлади. Унинг кўнглига йўл топишга ҳаракат қилинг.

Ойнинг иккинчи ярмида сизга нисбатан қандайдир ноҳақликлар уюштирилаётганини сезасиз. Муносабатларингизни ҳал қилишга ҳаракат қилманг. Оғирроқ бўлсангиз, бу нохушлик тезда ўтиб кетади.

*Омадли кунлар: 3, 4, 16, 28.*
*Омадсиз кунлар: 6, 7.*

**ЭГИЗАКЛАР.** 4-дан кейин нафақат шахсий ҳаётингизда, балки барча жабҳаларда ишингиз бароридан келади. Омадингизни қўлдан бой берманг. Қўрқмасдан таваккал қилишингиз мумкин. Юлдузлар башорат қилишича, бу ойда сиз қандай ишга қўл урманг, бари сизнинг фойдангизга ҳал бўлади. 16-да ҳис-туйғуларга берилишдан сақланинг. Ойнинг охирига бориб эса ўзингиз бажаришингиз лозим бўлган ишни бировга ишониб топширманг. Барча муҳим ишларни ўзингиз ҳал қилганингиз маъқул.

*Омадли кунлар: 5, 7, 10, 29.*
*Омадсиз кунлар: 16, 17.*

**ҚИСҚИЧБАҚА**. Ойнинг бошида ўзгаларнинг таъсирига тушиб қолишдан эхтиёт бўлинг. Чунки бу даврда атрофдагилар орасида сиз ҳақингизда майда гап-сўзлар пайдо бўлади. Зийракроқ бўлинг.

11- эса сиз учун омадли бўлади. Бу ҳафтада барча дилхираликлар ортда қолиб, муваффақият сизга ҳафта мобайнида ҳамроҳ бўлади. 20-дан кейин шахсий ҳаётингизда ишқий туйғуларга боғлиқ ёркин дамлар бошланади. Севимли кишингиз томонидан сизга ҳадя этиладиган бундай муҳаббат кучини «Титаник»даги муҳаббат кучига менгзаш мумкин.

*Омадли кунлар: 4,5,18,25.*
*Омадсиз кунлар: 6, 19.*

**АРСЛОН.** Дастлабки кунларда кимдир сизнинг оёғингиздан чалмоқчи бўлиб, сизни озгина гангитиб қўяди. 12-да эса сизга нисбатан атрофингиздагиларнинг ёқимли муносабатни ҳис қиласиз.

20-га бориб эҳтиёт бўлишни маслаҳат берамиз. Чунки яа ўша «рақибингиз» авваладан режалаштириб юрган макр-ҳийласини амалга оширишга ҳаракат қилади. У сизнинг энг яқин кишингиз билан бўлган муносабатингизга раҳна солиши мумкин.

Сизнинг ақлни ишга солиб, зийраклик билан иш кўришингиз қора ниятларини барбод қилади.

*Омадли кунлар: 6, 12, 16, 18.*
*Омадсиз кунлар: 5, 10.*

**ПАРИЗОД.** Апрелнинг биринчи кунлариданоқ барча яқинларингизни барча жабҳалардаги муваффақиятларингизнинг гувоҳи бўладилар. Сиз кундан-кунга очилиб, мафтункор бўлиб борасизки, оқибатда кўпчиликда сизни ҳар хил кечаларга, ўтиришларга, таклиф қилиб, меҳмон қилиш ниятига тушиб қоладилар.

11-да гўзал севги изҳорини қабул қиласиз. Албатта бунга нисбатан ўзингизда ҳам худди шундай ҳолни сезасиз. Юлдузлар башоратига кўра бу туйғулар сизнинг ҳаётингизга қизиқарли, ўта ёқимли дамларни ҳадя этади. Сизни ҳатто саёҳатга таклиф қилишади. Албатта ҳозир эмас, ёзнинг ўрталарига бориб.

*Омадли кунлар: 3, 12, 19, 27.*
*Омадсиз кунлар: 2, 22.*

**ТАРОЗУ.** Ойнинг бошидаёқ кўпчилик диққат-эътиборини ўзингизга жалб этасиз. 10-да ўз сўзингизни маъқуллаб, кўпчиликка қарши борманг. Яхшиси, босиқлик билан уларнинг фикрини маъқуллашга ҳаракат қилинг. 14-да яқин кишиларингиз сиз билан очиқчасига суҳбатлашишади. Ўз кечинмаларингиз билан ўртоқлашинг.

19-дан кейин гўзал ишқий саргузаштлар сизни сархуш қилади. Агар ҳаётда ўз тенгингизни топмаган бўлсангиз, юлдузлар бу танишув сиз учун омадли бўлиши мумкинлигидан хабар беради.

*Омадли кунлар: 1, 7, 19, 22.*
*Омадсиз кунлар: 2, 15.*

**ЧАЁН.** Ойнинг бошида эски қадрдонларингиз ва танишларингизни давра гурунгига тортишга ҳаракат қиласиз. Шанба сиз учун гўзал кунлардан бири бўлади: дўстларингиз даврасида барча ташвишлардан ҳоли бўлиб, ўзингизни бахтиёр ҳис қиласиз.

19-да ҳеч қандай тадбирларни мўлжалламанг. Иложи борича ота-онангиз билан бирга бўлишга ҳаракат қилинг. Орангизда озгина келишмовчиликлар пайдо бўлса, унинг авж олишига йўл қўйманг.

29, 30-кунларни яхши дўстлар даврасида ўтказишингиз мақсадга мувофиқ.

*Омадли кунлар: 4, 14, 18, 27.*
*Омадсиз кунлар: 6, 17.*

**ЎҚОТАР.** Йўлингизда пайдо бўлган ғовларни ойнинг бошидаёқ осонгина бартараф этасиз. Ойнинг биринчи ўн кунлигидаёқ куч-ғайратга тўлиб, ишга шўнғиб кетасиз. Муаммолар осонгина ўз ечимини топади. 11- кўзлаган режаларингизни бажаришингиз учун қулай кун. Шахсий муносабатларингизни изга солиш учун озгина ҳаракат қилишингиз лозим бўлади.

*Омадли кунлар: 3,13,14,30.*
*Омадсиз кунлар: 5, 18.*

**ТОҒ ЭЧКИСИ.** Баҳорнинг иккинчи ойи сизга ёқимли, ҳистуйғуларга бой кунларни ваъда қилади. Эришган ютуқларингиз юқори баҳоланиб, ҳатто сизни бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатишади. Сиз эришган муваффақиятлар (4-дан кейин) самараси сиз кўзлаган мақсадларингизга эришишга ойнинг охиригача таъсир қилади. Ойнинг ўртасига бориб унутилиб бораётган муҳаббатингиз қайтадан оловланади. 11-15-га бўлган даврда муҳаббат изҳори учун қулай фурсат туғилади.

*Омадли кунлар: 4, 15, 23.*
*Омадсиз кунлар: 9, 17.*

**ҚОВҒА.** 11-дан кейин ажойиб учрашувлар ва ҳодисаларни бошдан кечирасиз. Қалбингизда икки қарама-қарши туйғу курашади: бири четга чиқишга, иккинчиси олға ундайди. Юлдузлар олдинги томон борсангиз, сизни ажойиб ишқий саргузаштлар уммонига ғарқ бўлишингиздан дарак беради.

Бу унутилмас лаҳзалар ишда ҳам ўзининг ижодий таъсирини ўтказмай қолмайди.

*Омадли кунлар: 2, 5, 10, 22.*
*Омадсиз кунлар: 3, 18.*

**БАЛИҚ.** Апрел ойининг биринчи шанбаси сизга гўзал учрашувни ваъда қилади. Муҳим ишларни бажаришга қўрқмасдан киришаверинг. Юлдузлар бу ойда сизга омад кулиб боқишидан далолат беради. 8-дан ишларингизда муваффақият билан бир қаторда ёқимли муҳаббат можаролари ҳам сизга ҳамроҳ бўлади.

22-кун эҳтиётроқ бўлишни маслаҳат берамиз. Бирор муҳим ишга қўл уришга шошилманг. Яқин кишингиз билан маслаҳатлашиб иш кўриш фойдадан ҳоли бўлмайди. 29-дан сўнг эса ҳеч қандай қийинчиликларсиз энг эзгу орзуларингиз рўёбга чиқиши кутилади.

*Омадли кунлар: 7, 15, 20, 30.*
*Омадсиз кунлар: 1, 14.*



**Тўхташ Қосимов асли пискентлик. Унинг ҳажвий ҳикоялари «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида, «Муштум» журналида мунтазам босилиб туради. Яқинда Ғафур Ғулом номли Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган «Шайтоннинг қасами» деб номланган навбатдаги китоби ҳам мухлислари томонидан илиқ кутиб олинди.**




Орқа-олдимга қарамай ёмғирдан сўнг пайдо бўлган кўлмакчаларни пала-партиш босиб ишга шошилардим. Эшиги жимжимадор нақшли уй олдидан ўтаётганимда бир оёғим тойиб кетган эди, иккинчиси осмонга кўтарилиб, йиқилишимга бир сония қолди. Осмондан тушгандек орқамда пайдо бўлган галстукли, кийиниши лол қолдирадиган киши ушлаб қолмаганда уст-бошим расво бўлиши аниқ эди.

- Минг бор раҳмат,-бошим кечаги улфатчиликдан сўнг ғувиллаб турганига қарамай аранг тиржайиб, миннатдорчилик билдирдим.

- Ҳайрият, мендан ҳам хурсанд бўлишар экан,-деди негадир у.

- Нега бундай дейсиз?-унга боқиб ток ургандек юрагим ўйнаб кетди. Кўзлари шишаданми, чақнарди.

- Дунё ишлари қизиқ-да,-деди шубҳали киши,-қачон қараманг ҳамма ёмон ишларни менга ёпиштиришади. Бирор кишининг омади юришмаса, мендан кўришади. Эр-хотин жанжаллашса ҳам, ўртага шайтон тушибди, деб мени қоралашади. Нега ҳаммасига мен айбдор бўламан?

Ё тавба! Нима, олдимда турган Шайтонми? Тушимми, ўнгимми? Қани, биқинимни чимчилаб кўрай-чи, тушим бўлса уйғониб кетарман. Чимчиладим, бор кучим билан ҳам. Йўқ, тушим эмас...

Шайтон ичимдагини дарҳол сезди:

- Ҳамма қора ишлар менинг гарданимга тушади. Мана ҳозир сени балчиқдан қутқардим. Лекин Шайтон ёрдам берди десанг, ҳеч ким тан олмайди, тўғрими? Тўғри, албатта. Иши юришиб осмонда юрганда эса мени асло эсламайди ҳам.

Ўйлаб кўрсам, у ҳақ. Ким омади чопиб турганда бу йўлга Шайтон бошлади, дейди?

Шу пайт орқамдан оқ «Жигули»даги йигит машинасини яшин тезлигида учириб ҳайдаб ўтиб, кўлмакчаларни бетим аралаш уст-бошимизга сачратиб кетди.

- Рулдаги янги бойваччанинг ўғли. Лекин бундай «шоввозларни» кўрганлар ҳам Шайтон рулда ўтирибди, дейди. Тўғрими?

- Ҳа...

- Энди бир гапим бор, четроққа чиқайлик,-деди Шайтон.

- Ишга шошиброқ...

- Ростини айтсам, умримда биринчи бор шаънимга сендан яхши гап эшитдим,-ҳамон анграйиб турганимни сезди Шайтон.-Шунинг учун дўст бўлайлик, яхшилик қилмоқчиман. Тилагингни айт.

- Бирор нарсага муҳтож эмасман,-дедим синиқ овозда.

- Дўконинг бўлса ҳам кўпжонсан, сен тенгилар аллақачон тагларида машина, баъзиларнинг болаларида ҳам...

- Рост, лекин...

- Бугун фақат айтганларимни қилсанг, олдингга тушадиган бойвачча топилмай қолади. Фақат дадил бўл. Мен доим ёнингда бўламан.

Хаш-паш дегунча Шайтон қўл кўтарган эди, чап кўчадан чиққан шахмат нусхали машина ғиқ этиб тўхтади.

- Омборхонага!

Машина кўлмакчаларни ҳар ён сачратиб, шитоб билан илгарилаб кетди. Ўй-фикримни йиғиштириб олмасимдан омборхона олдида Шайтон:

- Ёнингда кўпдан бери ишлатолмаган ишонч қоғозини чиқар.

- Лекин счетимда пулнинг тайини йўқ...

- Ҳозир ўйлаб ўтириш вақти эмас.

Шайтон ён-атрофга дам-бадам қараб қўяётган йигитга мен тўлдирган ишонч қоғозини тутқазиб, ёнига бир чангал «кўкидан» солди:

- Ҳозироқ анави икки машинани тўлдир, ишимиз тиғиз.

Олифта йигит Шайтон билан кўп бор муомала қилган шекилли, гапини икки қилмади. Дам ўтмай машиналар юки оғирлигидан туядек лапанглаб орқамиздан эргашди.

Омборнинг икки тавақали дарвозасидан чиқмасимиздан қадам босиши бесаранжом киши ерга қадар эгилиб, пешвоз чиқди.

- Ана сенга харидор,-деди Шайтон.-Пули нақд, дўконга бориб ҳар бир киргандан ҳадиксираб сотиб ўтирмайсан. Туш, пулини ол!

Йўл четида «улгуржи» харидорнинг нақ бир қоп пулини олдим. Шайтон бошқа «иш»га бошлади.

- Энди янги фабрикага ҳайда.

Яна боягининг ўзи. Омадни қарангки, ишонч қоғозини тўлдириб, юкни олмасимдан орқамдаги бир чаққон шивирлади:

- Юкингизни менга бера қолинг. Айтганингизни оласиз.

Бу иш ҳам хамирдан қил суғургандек битди. Оғзида шоколад эриб турган боладек ишимдан хурсандман.

- Қўлингда пул бўлса, чангалда шўрва, дейишади. Ҳозир шўрва эмас, «Мерседес» зарур. Машина бозорига ҳайда!

- Йўғ-э, бу пулларни дўконга топширмасам...

- Бугунча айтганимни қиласан, деганмидим?

- Хўп...

- Мана бу бошқа гап. Қачонгача сағирадек таксида юрасан. Ҳозир ёнингда иккита «Мерседес»га етадиган пул бор. Бирига машина, иккинчисига дача оламиз.

- Йўғ-э, дачани нима қиламан? Дўконим бўм-бўш, тўлдириш керак.

- Дўконинг бўш тургани маъқул. Ёмон кўз илғамайди. Ҳозиргидек икки-уч «иш» қилсанг, шаҳарда иккитадан биттаси бўласан.

Кўз очиб юмгунча машина сотиб олдик. Ҳужжатларни ёнга солиб, «Мерседес»га ўтирдим.

Бу пайтда шиша кўз бўлса ҳам Шайтон кўзимга чопқир отдек яхши кўриниб турарди. Ким уни ёмон отлиқ қилса, ўзим гаплашиб қўяман!

Қорним очгандек. Шайтон буни сезди:

- Сен мана бу ресторанга кириб овқатланиб ол! «Юз-юз» қилишни унутма, дадил бўласан!

- Рулда-я!

- Рул машинада, бирор кўнглингга ёққан жонон учраб қолса, ёнингга олишни унутма. Дачада зерикасан.

- Қанақа дача?

- Бояги ишонч қоғозингдан бирини дача учун бериб юбордим. Давр келганда гаштини суриб қол. Қачонгача бошқаларга сўлагинг оқиб қарайсан. Мен эса анави уйга кириб чиқишим керак. Эри бир ҳафтадан бери командировкада, хотинининг қўлтиғига қўл солиб кўрай-чи...

Ресторандан чиққанимда, ёнимдаги жонон бир гапириб юз кулар, ўзим эса шамолдаги хазондек дам у ён-дам бу ён учардим. Оёғимни аранг босиб, «Мерседес» эшигини очсам, орқа ўриндиқда Шайтон тиржайиб ўтирарди.

- Мана бу ишингга қойил!-деди Шайтон.-Қани энди дачага ҳайда!

Машина елдек қўзғалди. Ёнимда балиқдеккина, лекин афти қизиқчиларникидек бўялган аёл. Ҳар бир гапимга юз чандон кулади. Ҳеч қанча юрмасимиздан, бир муюлишда машина бирдан йўлдан чиқиб, чап томондаги дарахт билан «ўпишиб» кетди. Тарақа-турук... Ғийққ...

Рулни маҳкам қучоқлаб, кўзимни аранг очар эканман, Шайтон ўрнига қаердандир пайдо бўлган хотинимнинг овози эшитилди:

- Қўйинг, қўйиб юборинг, дадаси.

- А?!

- Боядан бери уйғотаман. Ҳеч кўзингизни очмайсиз.

- Қаердаман, дачадами?

- Вой ўлмасам, нега ўзингизга келмайсиз, кимнинг дачаси, «Мерседес» дейсиз, қанақа «Мерседес»?

Аранг ёстиқдан бош кўтардим. Хотиним жаврашдан қолмасди:

- Қаердан шунча бўкиб келдингиз-а? Оғзингиздаги палағда тухумнинг ҳиди кўнглимни беҳузур қилворди. Алаҳсираб, ёнимни кўкартириб юборганингиз нимаси, шайтон сувидан шунча ичасизми?

- Шайтон дейсанми, қани Шайтон?

- Туринг тезроқ, қўшнимиз иши чатоқ шекилли, кеча икки қаватли уйини хатлаб кетишди. Ёғи артилмаган «Мерседес»ни ҳам. Бежиз Шайтон йўлига юрганнинг доим ҳоли вой дейишмайди.

Қўшнимизни Шайтонга ҳам дарс беради, дейишарди. Ҳолидан хабар олайми-йўқми?

**Тўхташ ҚОСИМОВ**

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир Файзулла ҚИЛИЧЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Ғайбулло РАҲИМОВ
Параҳат АЙТНИЁЗОВ
Бурхон БЕКМИРЗАЕВ
Шавкатжон МАВЛОНОВ
Неъмат АМИНОВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Сирожиддин РАУПОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Узоқ БОЗОРОВ
Элмурод МУТАЛХЎЖАЕВ
Тўхтамурод ҲАСАНБОЕВ
(масъул котиб)
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририятида саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усули билан «ШАРҚ» нашриёт матбаа концерни босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-316 Тиражи-10.000. **Босишга топшириш вақти 21.00 Босишга топширилди 20.00**

Навбатчи:
О.ХУДОЙБЕРДИЕВ
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи:
У. ДЎСМАТОВ
Компьютерда матн терувчи:
М. ДЎСТОВА

700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси 5.
Тел,факс: (371) 133-24-41
«Инсон ва қонун» газетаси 1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141- сон билан рўйхатдан ўтган.

